БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 174 (405)

2 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Бельгиянинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Лоридан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Сариевга ишонч ёрлиқларини топширди (1-нчи бет).

Пахтакорлар ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора кучайтирайлик! Илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчилар область кенгаши қатнашчиларининг барча колхозчиларга ва совхоз ишчиларига мурожаати (1-нчи бет).

Илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгаши (1-нчи бет).

Социалистик саноатни янада юксалтириш учун! З. Шоқиров, И. Сатторов. — «Чирчиксельмаш» заводи янги талаблар даражасида ишламаётир (2-нчи бет).

Маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини янада яхшилайлик (3-нчи бет).

УҚИШНИНГ БИРИНЧИ КУНИДА (3-нчи бет).

В. Никольский. — Вьетнам Демократик Республикасининг ўнйиллиги (4-нчи бет).

Югославия Федератив Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими (4-нчи бет).

Совет-Австрия ахбороти (4-нчи бет).

Антонин Запотоцкийнинг соғлиғи тўғрисида ахборот (4-нчи бет).

Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан ўтказайлик!

Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбайжон пахтакорлари ва мамлакатнинг бошқа районларидаги пахтакорлар ҳосилни йиғиб-териб олишга киришмоқдалар. Пахтани оммавий суратда териш вақти яқинлашиб қолди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларидан илҳомланган пахта далалари меҳнаткашлари пахтани яхши ва уюшқоқлик блан йиғиб-териб олиш, социалистик мусобақада олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун тегишли чораларни кўрмоқдалар.

Ма'лумки, ўтган йилнинг охирида Тошкентда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье пахтачилик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтган эди. Бу кенгашда далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва мамлакатда ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланган эди. Пахта далаларининг меҳнаткашлари бу тадбирларни амалга оширабориб, янги агротехника усулларини кенг суратда қўлланиш соҳасида бирмунча иш қиллилар. Чигитнинг квадрат-уялаб ва торқаторлаб экилганлиги, ғўзани яганалаш ишининг машиналаштирилганлиги ва узунасига ҳамда кўндалангига қаратиб ишланганлиги — буларнинг ҳаммаси ғўзанинг яхши ўсишига ёрдам берди.

Колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати ўз самараларини берди: мўл ҳосил олиниши учун реал имкониятлар вужудга келтирилди. Шу кунларда пахтакор районлардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдида, барча колхозлар, МТС ва совхозлар олдида ҳосил йиғим-теримига ҳартомонлама пухта тайёрланиш ва теримни уюшқоқлик блан ўтказишдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифа турибди.

Бу йил тракторлар ва пахта териш машиналарининг анчагина қисми торқаторлаб экилган пахтани териш учун мослаштирилиши керак. Аммо, бирқанча область ва районларда бу иш жуда қониқарсиз ўтказилмоқда. Ўзбекистон ССРнинг кўпгина колхоз ва МТСларида неча минглаб териш машиналари шу вақтгача пахта теришга мослаштирилган эмас, пахтаси машина блан териладиган майдонлар ажратилмаган, териш олдидан ғўза барглари тўкидириб юборилмаётир. Пахта териш машиналарида ишловчи механик-ҳайдовчилар тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Озарбайжон, Туркманистон ва Қирғизистондаги кўпгина МТС ҳамда совхозлар териш машиналарини суст тайёрламоқдалар.

Саноат корхоналарининг ходимлари пахтакор районларга катта ёрдам беришлари керак. Улар жумладан, пахта териш машиналарини қайта ускуналаш учун деталлар тайёрлаб беришлари лозим. Аммо, ба'зи корхоналар ва бошқармаларнинг раҳбарлари ана шу муҳим топшириққа мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. Масалан, СССР Транспорт қурилиши министрлигининг корхоналари пахта териш машиналарига керакли 18 минг комплект деталларнинг биттасини ҳам шу вақттача тайёрлаб берган эмаслар. СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг корхоналари пахта териш машиналарига керакли олти минг узел ўрнига икки мингдан ҳам камроқ узел, 18 минг жардан вал ўрнига икки мингдан сал кўпроқ вал тайёрлаганлар, уч минг кўсак териш машинасидан 150 машина тайёрлаганлар. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги машина-трактор станциялар Бош бошқармаси детальларни жўнатиш тўғрисида яхши ҳамкорлик қилмаётир.

Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, шунингдек тегишли министрликларнинг раҳбарлари МТС ва совхозларнинг барча пахта териш машиналарини ўз вақтида ва намунали тахт қилиб қўйишлари ва улардан ғоят унумли фойдаланишни та'минлашлари учун бутун чораларни кўришлари керак.

Бошқа ҳарқандай иш каби пахта терими ва пахта тайёрлашнинг муваффақиятли ўтказилишини кишилар, кадрлар ҳал этади. Партия ташкилотларининг механизаторларни танлаш ва тайёрлашга ғоят катта э'тибор беришлари жуда муҳимдир. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистонда ва бошқа республикаларда пахта териш машиналари ва тракторларнинг кўпгина тажрибали механик-ҳайдовчилари, ўз ишининг моҳир усталари бор. Уларнинг тажрибаларини кенг ёйиш тўғрисида, пахта теримига намунали тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўз вақтида ўтказиш йўлидаги мусобақага барча механизаторларни, барча колхозчиларни жалб этиш тўғрисида ҳамкорлик қилиш керак.

Пахта тозалаш ва пахта тайёрлаш пунктларининг ходимлари терим ва тайёрлаш ишларини муваффақиятли ўтказишда муҳим роль ўйнашлари лозим. Бу йил кўпгина областларда механикалаштирилган тайёрлаш пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехларини кўпайтириш учун, автотранспортни, йўл, майдончаларни, тош-тарозини, склад биноларини ўз вақтида тайёрлаб қўйиш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Аммо, тайёрлаш пунктларининг кўпи ҳали ҳам қониқарсиз аҳволдадир. Масалан, Сурхондар'ё областидаги пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларида аҳвол худди ана шундай. Хоразм областида тайёрлаш пунктларини механизациялаш ва қуритиш-тозалаш цехларини тайёр қилиш ишлари суст олиб борилмоқда.

Бу йил Ўзбекистонда 125 тайёрлаш пункти тамомила механизациялаштирилиши, 95 та қуритиш-тозалаш цехи ишга туширилиши керак. Аммо, кўпгина об'єктларда бу ишлар уюшқоқлик блан олиб борилмаётир. Яқин кунлар ичида бу ишларнинг сур'ати кескин равишда тезлаштирилмаса, белгиланган программани терим бошлангунча бажариб бўлмайди. Тожикистон ва Озарбайжондаги тайёрлаш пунктларининг талайгина қисмида пахтани ғарамлаш учун асфальт ётқизилган майдончалар, склад бинолари, йўллар, тош-тарози шу вақттача тайёрланмаган. Туркманистон, Қирғизистон ва Арманистон ССРда пахта сушилкаларини қуриш ва ремонт қилиш кечикиб кетди.

Пахта йиғим-терими — пахтачиликда энг мас'улиятли давр бўлиб, кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Теримга тайёргарликдаги жиддий камчиликларни жуда қисқа вақт ичида йўқотиш, теримни муваффақиятли ўтказиш, ҳарбир колхоз ва совхознинг пахта тайёрлаш давлат планини сўзсиз бажаришига эришиш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг бурчидир.

(«ПРАВДА»нинг 31 августдаги бошмақоласи).

Бельгиянинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Лоридан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Сариевга ишонч ёрлиқларини топширди

31 августда Кремльда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Сариев Бельгиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Лориданни қабул қилди. Элчи В. Лоридан ўзининг ишонч ёрлиқларини топширди.

Маслаҳатчи А. Форт, иккинчи секретарь Э. Декастио—Гюго, атташелар М. Руссо ва Н. Рейнгардт Элчига ҳамроҳ бўлиб келдилар ва элчи уларни А. Сариев блан таништирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш вақтида СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. А. Зорин, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол Бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги 1-нчи Европа бўлими Мудирининг вазифасини бажаручи С. С. Михайлов ҳозир бўлдилар.

А. Сариев ва Элчи В. Лоридан нутқ сўзладилар.

Элчи В. Лоридан ўз нутқида, давлат арбобларининг ва айниқса Совет Иттифоқи давлат арбобларининг зўр бериши туфайли халқаро кескинлик юмшаган ва катта халқаро проблемаларни ҳал қилмоқ учун қулай вазият вужудга келган бир пайтда Совет Иттифоқида ўз мамлакатимнинг вакили бўлиш мен учун айниқса хурсанд бўларлик ишдир, деди.

Сўнгра Элчи Бельгия парламент делегациясининг Совет Иттифоқида саёҳат қилажагини табриклади. Элчи сиёсий, савдо ва маданий соҳалардаги мана шундай алоқалар тобора кўпаймоқда, деди ва иккала мамлакатимизни яқинлаштиришга ёрдам берадиган тадбирларни кўпайтирмоқ учун мен томондан қилинадиган ҳаракатлар Олий Совет Президиуми ва Совет ма'мурлари томонидан зарур бўлган даражада қўллаб-қувватланур, деб ишонч билдирди.

Правардида Элчи Бельгия Короли ва Бельгия халқи номидан Совет Иттифоқи раҳбарларига ва бутун совет халқига фаровонлик ва эсон-омонлик тилаб самимий истак изҳор қилди.

А. Сариев ўзининг жавоб нутқида Элчига яхши истаклар билдирганлиги ва халқаро кескинликни юмшатиш ишида Совет Иттифоқининг ролини э'тироф қилганлиги учун ташаккур айтди.

Совет ҳукумати, — деди А. Сариев, ижтимоий ва иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг узоқ вақт тотув яшашлари мумкинлигига асосланиб, изчил тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказмоқда ва халқлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда, жумладан, совет халқи блан Бельгия халқи ўртасида мана шундай алоқаларни кенгайтириш тарафдоридир.

Бельгия Ҳукумати ва халқи Совет Иттифоқи блан Бельгия ўртасидаги мавжуд яхши иноқлик алоқаларини давом этдириш истаги блан руҳланганлиги тўғрисида Сиз айтган гап, деди сўнгра А. Сариев, мамлакатимизда катта мамнуният блан кутиб олинади.

А. Сариев В. Лориданни ишонтириб, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Ҳукумати совет халқи блан Бельгия халқини яқинлаштириш йўлида Сиз томондан қилинадиган ишларга ҳартомонлама мадад берадилар, деди ва Бельгия Королига, Ҳукуматига ва Бельгия халқига эсон-омонлик, В. Лориданга эса Бельгиянинг СССРдаги Элчиси вазифасида туриб бажарадиган ишларида муваффақиятлар тилади.

Ишонч ёрлиқлари топширилиб, нутқлар сўзланганидан кейин, А. Сариев В. Лоридан блан суҳбатлашди. Суҳбатда В. А. Зорин ва А. Ф. Горкин қатнашдилар.

Пахтакорлар ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчилар область кенгаши қатнашчиларининг барча колхозчиларга ва совхоз ишчиларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан халқ хўжалигининг барча тормоқларини кескин равишда юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларни сабот блан амалга оширмоқда. Партиямиз оғир индустрияни ҳартомонлама ривожлантириш блан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, аҳоли учун озиқ-овқат ва саноат учун хомаш'ёни кўпайтиришга ҳам зўр э'тибор бераётир.

Совет кишилари КПССнинг навбатдаги XX с'ездини чақириш тўғрисидаги хабарни юксак ватанпарварлик руҳи блан кутиб олдилар. Ишчиларимиз, колхозчиларимиз ва интеллигенциямиз ўзларининг шонли традицияларига мувофиқ с'ездга тайёргарлик кўришни янги, зўр меҳнат ғайрати блан нишонламоқдалар.

Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари Совет ҳавлати томонидан тобора кўплаб берилаётган ёрдамга суянганлари ҳолда пахта етиштиришнинг янги прогрессив усулларини қўлланиб, бу йил фақат давлат планинигина эмас, балки олинган социалистик мажбуриятнинг ҳам бажарилишини та'мин этадиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар.

Бу йил бизнинг олдимизда жуда катта ва мас'улиятли вазифа турипти. Биз бу йил давлатга ўтган йилларнинг ҳаммасидагидан кўп, я'ни 460 минг тонна пахта беришимиз керак.

Ҳосилни йиғиб-териб олиш қишлоқ хўжалик ишларида энг муҳим даврдир. Мамлакатимизда пахта ресурсларини кўпайтиришимиз кўп жиҳатдан ҳосилни қисқа муддат ичида ҳеч бир нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишимизга боғлиқ.

Бу йилги пахта йиғим-теримининг муваффақияти пахта териш машиналарининг аниқ ва тўхтовсиз ишлашига, шунингдек колхоз ва совхозларда теримчиларнинг уюшқоқлик блан ишлашларига боғлиқ.

Биз, область кенгаши қатнашчилари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ҳарбир колхозчи, совхоз ишчиларини мавсумда 5 — 10 — 15 минг килограммдан пахта териб бериш учун мусобақа байроғини баланд кўтаришига қарор қилдик. Ўтган йиллар тажрибаси бу вазифани бажаришимиз мумкинлигини кўрсатади: Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли колхозининг собиқ звено бошлиғи, ҳозир эса бригада бошлиғи бўлиб ишлаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Халима Юсупова ўтган йили 17 минг килограмм пахта терган эди. Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси ўртоқ Тохира Мадрахимова мавсумда 15 минг килограмм пахта терган бўлса, шу колхоз а'золари Мухтарам Азизова, Ашура Абдуллаева ўртоқларнинг ҳарбири 12 минг килограммдан пахта тердилар. Шунингдек Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз а'зоси Мукаррам Каримова, Чиноз районидаги Шверник номли колхоз а'зоси Бибисора Умарова, «Қизил Октябрь» колхозининг а'зоси Фотима Хўжаназарова, Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз а'зоси Лутфи Нурматова, Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз а'зоси Халима Бобоева ва бошқа ўртоқлар мавсумда 10 — 12 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Биз область кенгашига қатнашган теримчилар 1955 йил мавсумида пахта териш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдик. Жумладан, Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг а'зоси ўртоқ Рихси Рихсиева мавсумда 15 тонна, ўртоқ Зулайхо Набиева 18 тонна, Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхоз а'зоси ўртоқ Хурсаной Яхшиметова 20 тонна, Чиноз районидаги Ленин номли колхоз а'зоси Турғуной Маманазарова 15 тонна, Юқоричирчиқ районидаги «Меҳнат бирлик» колхозининг а'зоси ўртоқ Рахима Эрматова 20 тонна, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'зоси ўртоқ Маматқул Йўлдошев 20 тонна, Боёвут районидаги Молотов номли колхоз а'зоси Назар Ашурматов 20 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилдилар. Кенгашнинг бошқа қатнашчилари ҳам шундай оширилган мажбуриятлар олдилар.

Ҳарбир колхозчи ва совхоз ишчиси ҳосилнинг тақдири учун жавобгар эканликларини чуқур ҳис этишлари, ўзларининг мамлакат олдидаги ватанпарварлик бурчларини бажаришда сабот кўрсатишлари, мавсумда 5—10—15 минг килограммдан пахта териб беришга эришувлари керак.

Биз барча колхозчилар ва совхоз ишчиларини 5—10—15 минг килограммчилар бошлаган социалистик мусобақага қўшилишга чақирамиз. Областимиз пахта далаларининг барча меҳнаткашлари оммавий равишда бу мусобақага қатнашганларидагина ҳарбир звено, бригада, колхоз ва совхозда олинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши та'мин этилади.

Кўпминг килограммчилар ҳаракатини кенгайтиришда илғор теримчилар тажрибасини барча колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасда кенг ёйиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Биз ўзимизнинг амалий ишимиз блан пахта териш методларимизни теримда қатнашаётган ўртоқларимизга ўргатамиз.

Пахта йиғим-теримининг муваффақияти далада меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ҳарбир бригадада соатли графикни жорий этиш блан та'мин этилади. Ҳарбир теримчининг ҳар соатда меҳнат унумини ошириши, пахтани сортларга ажратиб териш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслиги — соатли график блан ишлашнинг энг зарур шартидир. Бунинг учун вақтни бекор кетказмаслик, барча бригадаларда терилган пахтани теримчилан бевосита даланинг ўзида қабул қилиб олишни ташкил этиш керак. Ҳарбир бригадада шайин тарози, етарлик миқдорда қоп-қанор ва этаклар бўлиши шарт.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахтани сортларга ажратиб териш, нобудгарчиликка қарши қаттиқ кураш олиб бориш ва ҳом пахтани теришга йўл қўймаслик зарур.

Биз, теримчиларнинг унумли ишлаши учун колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари далада — бевосита бригадаларда иссиқ овқат ташкил этишлари, болалар яслиси ва майдончалари ишини йўлга қўйишлари, пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилашлари зарур деб ҳисоблаймиз.

5 — 10 — 15 минг килограммчилар мусобақаси қатнашчиларининг шарафли иши—звено, бригада ва колхозда биринчи бўлиб социалистик мажбуриятни бажаришдан иборатдир.

Мусобақадош теримчи, звено, бригаданинг ҳар кунлик ишини якунлаб туриш, терим илғорларининг иш усулларини кенг ёйиш социалистик мусобақани янада ривожлантиришда ғоят катта роль ўйнайди.

Биз барча колхоз ва совхоз меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини муносиб равишда кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишга, давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин — Улуғ Октябрь социалистик революцияси 38 йиллити кунига бажаришга, шу блан Социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга чақирамиз.

Илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгаши

Пахтакор колхоз ва совхозларнинг моҳир теримчилари ҳамда МТСлардаги илғор механик-ҳайдовчиларнинг область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан чақирилган кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда область партия комитетининг секретари ўртоқ О. Алимов пахтакорлар олдида турган шу куннинг энг муҳим вазифалари ҳақида сўзлади.

Областимиз пахтакорлари 1954 йил ноябрь ойида пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида Тошкентда бўлиб ўтган Кенгаш қатнашчиларининг чақириқларини сидқидиллик блан бажариш учун курашиб, бу йил бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Кўпгина пахта майдонларига чигит квадрат-уялаб ва торқаторлаб экилди. Ғўзаларга юқори агротехника қоидалари асосида иккитомонлама ишлов берилди. Озиқлантириш ва суғориш ишлари яхши уюштирилди. Бу тадбирлар натижасида пахта далаларимизда олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Пахтакорларимиз олдида турган навбатдаги энг муҳим вазифа — ана шу ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан ва ўз вақтида давлатга топширишдан иборатдир. Бунинг учун ҳарбир теримчи, ҳарбир механик-ҳайдовчи зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилиши, олинган мажбуриятни партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган мусобақани кучайтириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллити кунига бажариш учун курашиши керак.

Кенгашда биринчилар қаторида сўзга чиққан Гулистон районидаги Андреев номли колхознинг а'зоси Садихон Суярова бундай деди:

— Ўртоқлар, Ўзбекистон пахтакорлари барча совет халқлари қаторида партиямизнинг XX с'ездини меҳнатда янги ғалабалар блан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Мен ҳам шулар сафида туриб, мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ишига муносиб ҳисса қўшаман. Бугунги кенгаш қатнашчилари олдида мавсумда 15 тонна пахта теришга ва'да бераман. Олган мажбуриятимни шараф блан бажариш мақсадида Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг моҳир теримчиси ўртоқ Хосият Умарованн социалистик мусобақага чақираман.

Хосият Умарова сўзга чиқиб, ўз касбдошининг чақиригини самимий қабул қилди.

Мана, минбарга Бўка районидаги Сталин номли колхознинг ёш теримчиларидан Саодат Аҳмедова кўтарилди.

— Биз, — деди Аҳмедова, — мамлакатимизга мўл пахта ҳосили етказиб бериш мақсадида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик блан меҳнат қилдик. Бизнинг звеномиз илгари ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили бериш учун аҳд қилган эди. Партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан илҳомланган звеномиз а'золари ҳозир оширилган мажбурият олиб, 10 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 45 центнердан пахта ҳосили бериш учун курашмоқдалар. Бу — бизнинг Коммунистик партиямиз XX с'езди шарафига катта совғамиз бўлади. Ҳозир ана шу мақсада пахта йиғим-теримига қизғин тайёргарлик кўриш блан бирга, ғўза парваришини ҳам давом этдириб, ҳарбир туп ғўзада мўл ҳосил тўпланиши учун курашаётирмиз. Бу йил ҳарбир теримчи ўз зиммасига ўтган йилгидан кўра 2 — 3 тонна ортиқ пахта териш мажбуриятини олди. Мен ўтган йили 17 тонна пахта терган эдим. Бу йил эса 20 минг килограмм «оқ олтин» териб, давлатга топшириш учун янада ғайрат блан ишлайман.

Шундан кейин Чиноз МТСнинг машҳур механик-ҳайдовчиси Эргаш Райимқулов сўз олди:

— Терим сур'атини оширишда, — деди у, — пахта териш машиналари катта роль ўйнайди. Бу эса, биз механик-ҳайдовчилардан ғайрат ва садоқат блан ишлашни талаб қилади. Мен ўтган йили «СХМ — 48» машинаси блан 86 тонна пахта терган эдим. Бу йил «СХС — 1,2» машиналарига механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини тамомладим. Мен ана шу машина блан бу йилги мавсумда 120 тоннага етказиб пахта териш учун курашаман.

Кенгашда сўзга чиққан механик-ҳайдовчилардан Ҳақберди Эгамбердиев (2-нчи Бўка МТСи), Алижон Мелиев (Ховос район 2-нчи МТСи), Отахон Саитов (Пахта МТСи) ўртоқлар ўз иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бериш блан бирга, пахта териш машиналарининг муваффақиятли ишлаши учун эгат бошларини текислаб қўйиш, машина блан терилaдиган майдонларни ҳозирдан белгилаб чиқиш, шу блан бирга машина буриладиган жойлар ҳозирлаш ва ғўза барглариии тўкиш тадбирларини тезроқ амалга ошириш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Октябрь районидаги Андреев номли колхознинг а'зоси Турсунбой Ғозиев кенгашда бундай деди:

— Мен бугунги кенгашда механик-ҳайдовчиларни ҳисобга олмаганда теримчи эркакларни кам кўраяпман, демак, ўтган йили бизнинг орамиздан кўпмингчи теримчиларнинг жуда кам чиққанлиги сезилиб турибди. Бу—бизнинг катта камчилигимиздир. Менингча бундай ҳолларга хотима бериш пайти келди. «Пахта териш эрларнинг иши эмас», деган фикрни улоқтириб ташлаш керак. Пахта териш бизнинг умумий ишимиз — колхоз иши бўлиши лозим. Ким агар бутун қалби блан Ватанимизга кўпроқ пахта етказиб бериши истаса, у, теримда юқори меҳнат намуналарини кўрсатиши керак. Мен кенгаш қатнашчилари олдида мавсумда 15 тонна пахта теришга ва'да бераман ҳамда барча теримчиларни социалистик мусобақани кучайтириб, пахта ҳосилини сра нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш учун курашга чақираман.

Кенгаш қатнашчилари Оққўрғон районидаги Жданов номли колхознинг моҳир теримчиси Улқиз Сафарованинг сўзларини зўр э'тибор блан тингладилар.

— Мен ўтган йили 18 тонна пахта терган эдим, — деди Сафарова ўз сўзида. Шуни айтишим керакки, ўтган йили эмизикли болам бор эди. Уни дала шийпонидаги яслига олиб келиш ва олиб кетиш учун анча вақт сарф қилар эдим. Бу йил кичкинам анча каттайиб қолди, энди бу йил мавсумда бемалол 20 тонна пахта тераоламан.

Кенгашда Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг а'зоси Жумақиз Муротова, Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси Жаннат Сулиева, Ўртачирчиқ районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси Жамол Хатамова, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг звено бошлиғи Маматкул Йўлдошев, Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг а'зоси Зулайхо Набиева ўртоқлар ҳам сўзладилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллигини ва Партиямизнинг XX с'ездини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олишга, мавсумда 10 — 15 тоннадан пахта теришга ва'да бердилар ва бир-бирларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Кенгаш қатнашчилари баланд руҳ блан областимизнинг барча теримчиларига ҳамда механик-ҳайдовчиларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

Суратда: кўпмингчи теримчилар ва илғор механик-ҳайдовчиларнинг область кенгашида.

Н. Меламед фотоси.

СОЦИАЛИСТИК САНОАТНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН!

«Оғир индустрия бундан буён ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда тезроқ ривожлантирилиши лозим. Мамлакатимизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришни белгилаб беручи оғир саноатни ривожлантириш даражаси қанчалик юқори бўлса, биз совет халқининг тинмай ўсиб бораётган эҳтиёжларини шунчалик тез қондираоламиз, исте'мол буюмларини шунчалик тез мўл-кўл қилиб вужудга келтираоламиз ва социализмдан коммунизмга шунчалик тез ўтаоламиз. Бунинг учун халқ хўжалигида техникани тинмай тараққий этдириш, мавжуд ишлабчиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, омманинг ижодий ташаббусини тўхтовсиз ошириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини кескин равишда оширишга эришиш зарур».

(«Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. А. Булганин доклади юзасидан 1955 йил 11 июльда қабул қилган қароридан).

„Чирчиксельмаш“ заводи янги талаблар даражасида ишламаётир

Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини амалга ошириш учун курашмоқдалар. Корхонада меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун кўпгина янги механизация ва техника ишга тушурилмоқда. Масалан, 2-нчи механика-йиғув цехида илгари машина ва агрегатларнинг узеллари қўл кучи ёрдами блан бўялар эди. Бу — оғир иш процессларидан бири ҳисобланиб, деталь ва узеллар бўяш блан цехнинг ўнларча ишчилари банд бўлар эдилар. Яқинда бу ерда махсус конвейер ишга туширилди.

Броқ, корхонада ишлабчиқариш новаторлари, ихтиро'чилар ва ташаббускор мастерларнинг ишни ташкил қилишдаги ва техникадан тўла фойдаланишдаги иш методлари коллектив ўртасида кенг ёйилмаётир.

Ўтган йили ремонт-механика цехининг новатор токари ўртоқ Нургалиев Горький шаҳридаги автомобиль заводига бориб, детальларни жадал усул ва куч блан ишлашдаги кўпгина янгиликларни ўрганиб келди. Ўртоқ Нургалиев бу методларни кенг ёйиш учун ҳаракат қилди. У, цех ишчилари ўртасида детальларни янги усулда ишлаш ҳақида бирнеча суҳбат ҳам ўтказди. Аммо новаторнинг бу ташаббуси корхонада қўллаб-қувватланмади. Шундай қилиб, ажойиб методлар оммалаштирилмай қолди.

Корхона раҳбарлари ўз сводкаларида заводимизнинг ўнларча ишчилари детальларни жадал усул ва куч блан ишлашмоқдалар, деб кўрсатадилар. Ваҳоланки, детальларни бу методда ишлаш эмас, бунинг учун ҳатто корхонадаги биронта ҳам станок реконструкция қилинмаган.

Завод касаба союз комитети ҳам илгор иш методларини коллектив ўртасида кенг ёйишга камдан-кам э'тибор беради. Ҳар ойда олинаётган социалистик мажбуриятларда илгор иш методларини оммалаштириш кўрсатилади-ю, броқ, амалда олинган мажбуриятлар бажарилмайди. Завод касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Соболь цехларда камдан-кам бўлади, социалистик мусобақанинг бориши, меҳнатнинг ташкилланиши, илғорлар тажрибасининг оммалаштирилиши блан камдан-кам қизиқади. Шунинг учун ҳам корхона цехларида катта камчиликлар содир бўлмоқда, корхонада давлат планлари бажарилмай қолмоқда.

МАЖБУРИЯТ ЭМАС, ПЛАН ҲАМ БАЖАРИЛМАЁТИР

Корхона социалистик қишлоқ хўжалиги учун шу йилнинг 7 ойи ичида планда кўрсатилганидан 1738 та культиватор, 1230 дона тирков, 724 дона СКН-4 кўрак териш машиналари кам ишлабчиқарди. Шу муддат ичида қишлоқ хўжалик машиналари учун 66 минг сўмлик запас қисмлар ишлабчиқарилмади. Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишда катта муқсонлар бор. Масалан, 7 ой ичида ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги 95,9 процентнигина ташкил этди.

Завод раҳбарлари (директори Петрикин, бош инженери Белов ўртоқлар), партия бюроси (секретари ўртоқ Косенко) ҳар ой бошланишида қатор-қатор пунктларни кўрсатиб, социалистик мажбуриятлар олишни яхши кўрадилар. Пил бошида ҳам ана шундай оширилган мажбуриятлар олинди. Лекин олинган мажбуриятларнинг бажарилиши уёқда турсин, ҳатто берилган план ҳам бажарилмаётир. Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш плани ҳам бажарилмаётир. Олинган мажбуриятда меҳнат унумдорлигини 1954 йилга нисбатан 38 процент ошириш кўрсатилган. Қаватма-қават ва'далар бериб, давлат планини бажармаслик корхона раҳбарларининг фаолиятида одат тусига кириб қолган.

Завод давлат планини бажармаслигига нималар сабаб бўлаётир? Биринчидан, бу ерда меҳнат ёмон ташкил этилган. Масалан, 3-нчи механика-йиғув цехини олайлик. Бу цех қайтадан реконструкция қилиниб, кўпгина янги механизмлар ишга туширилди. Цех қуввати анча оширилди-ю, броқ план илгаригидек бажарилмаётир. Чунки, цехда меҳнат, айниқса ёмон ташкил этилади. Ўртоқ Чуенко бошлиқ сменанинг Ажиалимов ва Морозов ўртоқлар мастерлик қилаётган участкаларида меҳнатнинг планлаштирмасдан ташкил этилиши туфайли 13 августдан бошлаб 20 августгача бирхил узел ва детальлар ишлаб чиқарилган. Бу ҳол шу нарсага олиб келдики, машиналарни йиғиш керак бўлган вақтда кўпгина узел ва детальлар етишмаслиги аниқланди. Цех бирнеча кунлар давомида керакли деталь ва узелларнинг йўқлиги туфайли машиналарни йиғаолмади.

23 августгача цехда 375 та янги кўрак териш машиналари ишлаб чиқарилиши керак эди. Броқ, меҳнатнинг ёмон ташкил этилиши натижасида планда белгиланган машиналарнинг фақат 108 донасигина ишлаб чиқарилди. Цехга детальлар ва узеллар ўз вақтида етказиб берилмаётир. Келтирилган детальларнинг кўпчилиги бракка чиқарилмоқда.

— Ҳарбир машинани икки—уч соатда йиғиш мумкин, — дейдилар цех слесарьларидан Перевозов ва Смирнов ўртоқлар,— биз эса бир машинани 8 соатлаб йиғамиз. Чунки, машинанинг деярли ҳамма детальлари сифатсиз. Уларни тузатишга беш-олти соатлаб вақт кетади.

— Бутун ишимизни темирчилик-пресс цехи орқага сурмоқда, — дейди участка мастери ўртоқ Овчинников, — масалан, 21 августда детальларнинг йўқлиги туфайли учинчи сменада фақат ярим-тагина машина йиғилди. Участкамизнинг 35 киши эса машиналар йиғиш ўрнига ҳархил майда-чуйда ишлар блан шуғулланмоқдалар. Цехимиз ярим қувват блангина ишлаётир.

Цехдан чиқиб кетмоқчи бўлганимизда детальлар ортилган бир машина кириб келди. Броқ, бу детальлар текширилгач, ҳаммаси брак эканлиги аниқланди. Бир машина деталь яна темирчилик-пресс цехига қайтадан тузатиш учун юборилди.

— Темирчилик-пресс цехидан келтирилаётган детальларнинг 40 процентидан кўпроғи ишга яроқсиз, деб топилади ва тузатиш учун яна темирчилик-пресс цехига қайтариб юборилади, — дейди 3-нчи цех бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Кривов.

Темирчилик-пресс цехида, ҳақиқатан ҳам, ишлаб чиқарилган детальларнинг қарийб 50 проценти сифатсиз, деб топилмоқда. Чунки, цех биринчи ва иккинчи декадаларда детальлар етказиб бериш графигини бузиб, сифат кўрсаткичларига э'тибор қилмай, планни сон ҳисобига бажаришга, штурмчиликка ўтиб олган.

Қуюв цехи корхонанинг юрагидир. Броқ, бу цехнинг фаолиятини оширишга аҳамият берилмаётир. Цехда меҳнат интизоми чидаб бўлмаслик даражада бўшаштириб юборилган. Шу йилнинг фақат олти ойи ичидагина ишчиларнинг бекор туриши 10 минг ишчи соатни ташкил қилди. Ба'зи ишчиларнинг сабабсиз ишга келмасликлари натижасида яна 440 киши куни йўқотилган. Агар ана шу вақтдан тўла фойдаланилса, корхонада 278 культиватор ёки 480 дона кўрак териш машинасини ишлаб чиқариш мумкин эди. Цехда ҳарбир йўқотилган иш соати корхонага 4170 сўмга тушади. Ҳар минут эса давлатнинг 69 сўм 50 тийинини ташкил этади. Цех коллективи бекорга йўқотилган кунлардангина 95 минг сўм зарар кўрди. Шунингдек, материалларни авайлаб ишлатишга мутлақо э'тибор берилмайди. Қуюв цехида ярим йил ичида 421 тонна чўян, 277 тонна кокс, 71 тонна огнеупор ва бошқа материаллар ортиқча сарфланди. Олти ой ичида бекорчи сарфланган хомаш'ё ва материаллар 840 тоннани ташкил этиб, бу 42 темир йўл платформасига жойлаштириладиган ёки 312 минг сўмни ташкил қиладиган материаллардир.

Қуюв цехида ҳам сифат кўрсаткичларини яхшилашга э'тибор берилмаётир. Ярим йил ичида 204 тонна чўян, 226 тонна пўлат ва 643 тонна кўк чўян бракка чиқарилди. Ишлабчиқаришда бракнинг кўпайиб кетиши ўз навбатида маҳсулот таннархининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Агар ўтган ярим йил ичида бир тонна пўлатдан 380 килограмм чиқитга чиқарилган бўлса, июль ойининг ўзида бу рақам 412 килограммга етди. Бошқа қуйилмаларда ҳам шу аҳвол.

Брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий сабаби, цех раҳбарларининг (бошлиғи ўртоқ Липилин, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хорошельцев) ишчилар ва мастерларнинг техника билимини оширишга жиддий э'тибор бермаётганлигидадир. Шунингдек, цехда ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш блан етарли қизиқилмаётир. Масалан, Эриджена ва Маханьков ўртоқлар старший мастерлик қилаётган участкаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўп қисми доим брак бўлиб тайёрланади. Бу камчиликнинг олдини олиш, брак маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш иши блан на цех техника бўлими (бошлиғи ўртоқ Глазунова) ва на завод бош металлурги ўртоқ Вешниведский қизиқади. Шунинг учун брак маҳсулот ишлаб чиқариш йил бошидан бери давом этиб келмоқда.

Ана шу камчиликларнинг содир бўлиши туфайли цех ярим йиллик планни атиги 88 процент бажарди. Меҳнат унумдорлиги 92,6 процентнигина ташкил қилди. Маош фондидангина ярим йил ичида 309 минг сўмлик зарар кўрилди.

Цехнинг иши анализ қилинса, шу нарса аниқланадики, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати яхшиланиш ўрнига тобора пасайиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида пўлатнинг 14,5 проценти, товланадиган чўяннинг 12,8 проценти ва кўк чўяннинг 13,7 проценти бракка чиқарилган эди. Июль ойида эса пўлатнинг 17,5, товланадиган чўяннинг 13,6 ва кўк чўяннинг 16,5 проценти яроқсиз, деб топилди. Бу рақамлардан кўриниб турипти-ки, цехда ишлабчиқарилган маҳсулотнинг сифати тобора пасайиб бормоқда. Қуйилмаларнинг таннархи эса ярим йилликка нисбатан июль ойига келиб бирнеча минг сўмга ошиб кетди.

ИШЛАБЧИҚАРИШ ҚУВВАТИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Корхонанинг қайси цехига кирманг, ўнларча станокларнинг ва механизмларнинг бекор туришини кўришингиз мумкин. Қуюв цехида ҳар куни мураккаб механизм ва бутун бир конвейерларнинг тўхтаб қолиши тез-тез юз беради. Масалан 23 августда элеваторнинг бир қисми шкастланиб қолди. Бу туфайли қолип тайёрлаш участкаси, икки конвейер тўхтатилиб, 20 дан ортиқ ишчи бир соат ишламади. Бундай ҳоллар цехда деярли ҳар куни бўлиб туради. Бир куни вагранкалар бузилиб қолса, иккинчи куни қолиплаш машиналари тўхтаб қолади. Яна бир куни эса, металл етишмай, қолип эритиш печьлари ишламайди.

Бундай нуқсонларни бошқа цехларда ҳам кўриш мумкин. Темирчилик пресс цехида ҳар сменада 10—12 станок бекор турмоқда. Чунки, улар шкастланиб қолса, ремонт қилиш учун запас қисмлар йўқ. Станоклар ремонти учун керак бўлган детальларни тахт қилиб қўйишга ремонт-механика цехининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Чекуров) мутлақо э'тибор бермаётирлар. Темирчилик-пресс цехида давлат планларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган 1,5 тонна кучга эга бўлган пресс станоги бир йилдан буён капитал ремонтдан чиқарилмай ётипти. Ремонт қилинган станок ва механизмлар эса талабга жавоб бермайди. Чунки кўпгина ремонт қилинган станоклар 2—3 кун ишлагач, у яна қайта ремонтга топширилади.

Кўпгина станоклар асбобсозлик цехи (бошлиғи ўртоқ Никифоренко) штамп ва бошқа асбобларни ўз вақтида етказиб бермаслигидан тўхтаб қолмоқда. Масалан, темирчилик пресс цехининг фақат метизлар тайёрлаш участкасидагина 50—60 номдаги ўлчов асбоблари, штамп, пуансон ва бошқа асбоблар етишмаяпти.

Ишлабчиқарилган бутун запас қисмлар асосан темирчилик-пресс цехида тайёрланади. Запас қисмлар ишлабчиқаришни янада ошириш учун темирчилик-пресс цехида 3 та поток линиялар қуриб битказилган эди. Аммо яхши ниятлар блан қурилган бу линиялар муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Чунки уларнинг конструкцияси ёмон ишланиши, станокларнинг танлаб олинмаслиги ва технологиянинг бузилиши туфайли поток линиялар кўпинча бекор турадилар.

— Линиялар тўла қувват блан ишлатилса, ҳар сменада 2000 донадан ортиқ запас детальлар ишлаб чиқариш мумкин,— дейдилар поток линияларда ишловчи пресчилардан Дўсанбетова ва Алиева ўртоқлар, — биз эса ба'зи кунларда фақат 200 донагина деталь тайёрламоқдамиз.

Завод раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари ўз ишларини июль Пленуми қарорларида белгилаб берилган кўрсатмалар асосида ташкил этиб, корхонани қолоқликдан чиқариш учун кескин ҳаракат қилишлари лозим. Корхонада давлат планларини ва олинган мажбуриятларни тўла бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг бутун куч-қувватини ва техника билимини давлат планларини тўла бажариб, социалистик қишлоқ хўжалигига планда кўрсатилган машиналарнинг ҳаммасини ишлабчиқариш учун сафарбар этиш — завод раҳбарлари ва партия бюросининг вазифасидир.

З. ШОКИРОВ,
И. САТТОРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» ва «Сталин байроғи» газеталарининг рейд бригадаси.

Оҳангарон шахтёрлари ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Суратда: смена топшириғини доимо ортиғи блан бажараётган кўмир разрезининг донгдор экскаватор машинисти Наримон Халилов.

В. Салов фотоси.

1956 йил ҳисобига

Сирдар'ё район машина-экскаватор станциясининг экскаваторчилари КПСС XX се'здига муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш учун социалистик мусобақани қизитиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Илгор экскаваторчилардан И. Сериков ўтган ойда 30 минг кубометр ўрнига 85 минг кубометрга етказди ер ишларини бажарди ва ойлик топшириқни 275 процентга етказди. Ўртоқ В. Мишаев бошлиқ Э-502 маркали экскаватор бригадасининг а'золари йиллик планни 7 ойда бажариб, ҳозир 1956 йил ҳисобига ишлаётирлар. Экскаваторчилар ҳозир райондаги Хрущев номли, Тарас Шевченко номли, «Ўзбекистон ССР-нинг 30 йиллиги» колхозларида, кўшни Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли, «Қизил Октябрь», «Победа» колхозларида ҳам эски зовурларни тозалаш блан янги зовурлар қазиш, ер текислаш ва бошқа ишларни муваффақиятли бажармоқдалар.

Станция коллективининг фидокорона меҳнати туфайли смена ва ойлик топшириқлар ҳардоим оширилиб бажарилаётир. Шунинг учун ҳам станция коллективидан 20 киши Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

КПСС XX с'езди шарафига

Тошкентдаги «Қизил олов» артелининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш блан жавоб бермоқда. Артель коллективи илгор технологияни жорий қилиш натижасида маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш имкониятига эга бўлмоқдалар. Етти ойлиқ план ошиғи блан бажарилди. Пландан ташқари қишлоқ хўжалиги машиналаридан культиватор ва бункерлар учун бирқанча минг сўмлик деталь ишлабчиқарилди.

Артельда цехлараро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Бу мусобақада қолиб чиқиб, корхона кўчма Қизил байроғини қўйдан бери ўз қўлида сақлаб келаётган ўртоқ Содиқов бошлиқ механика цехи ишчилари олдинда бормоқдалар. Илгор ишчилардан Т. Мирзаев, У. Аҳмедов, Ч.. Раҳматуллин ва А. Мирзаҳмедов ўртоқлар смена топшириқларини 1,5-2 ҳиссадан бажармоқдалар.

О. САЙДАМИНОВ.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Янгийўл шаҳридаги ғишт заводининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ўтган 7 ой ичида пландан ташқари бир миллион 15 минг сўмлик маҳсулот берди.

Заводнинг барча цехларида смена ва ойлик графиклар тўла бажарилмоқда. Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада алебастр цехининг коллективи олдинда бормоқда. Бу цех коллективи икки ойдан бери завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Ғишт пиширув цехининг ишчилари печьлардан унумли фойдаланаётгани туфайли қисқа вақт ичида меҳнат унумдорлиги 15 — 20 процент кўтарилди. Завод коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорига жавобан йил охиригача пландан ортиқча 3 миллион 100 минг дона пишиқ ғишт, кўп миқдорда черепица ва 100 тонна алебастр ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялаш учун курашамиз

И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари блан бир қаторда фабрикамизнинг кўп мингли коллективи ҳам КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарори ва ўртоқ Булганининг доклади блан ҳартарафлама танишиб чиқдилар. Корхонадаги ҳамма цех ва участкаларда Пленум қарорини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда қарорда кўрсатилган вазифаларни бажаришга доир бирқанча ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланди.

Партиямиз Марказий Комитети мавжуд техникадан тўла ва унумли фойдаланиш— қўшимча ҳаражатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим резерви эканлигини кўрсатиб ўтди. Биз ички резервлардан янада унумли фойдаланиш йўлларини белгилаб чиқиш мақсадида корхонада партиявий-хўжалик конференциясини чақиришга қарор қилдик. Кўриладиган масала жуда муҳим бўлганлиги учун унга пухта тайёргарлик кўришга алоҳида аҳамият бердик. Конференцияга тайёрланиш даврида фабрика ма'мурияти ва партия бюросига инженер-техник ходимлардан катта бир группаси ёрдам берди. Шунингдек, цех партия ташкилотларининг секретарьлари ва қасаба союз ташкилотларининг раисларига ёрдамчи ишларни, айниқса оғир иш процессларини ўрганиш, уларни чуқур анализ қилиш асосида бундай ишларнинг ҳажмини камайтириш имкониятини беручи тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни фабрика ма'муриятига тақдим этиш вазифаси топширилди.

Партия-хўжалик конференциясига пухта тайёргарлик кўрилиши ўзининг яхши натижаларини берди. Корхонанинг ишлабчиқариш новаторлари ва илгор ишчилари конференция қатнашчиларига ўз тажрибалари ҳақида гапириб бердилар. Улар инженер-техник ходимлар блан ҳамкорликда цех ва участкалардаги айрим камчиликларни очиб ташладилар ва бу камчиликларни тугатиш юзасидан жуда қимматли фикрларни айтдилар. Конференция қатнашчилари мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга имкон беручи кўпгина қимматли таклифлар киритдилар. Жумладан, партия бюросининг а'зоси Пивкина ва инженер Горохова ўртоқлар ёрдамчи ишларнинг ҳажмини 3—4 процент камайтириш имкониятини беручи янги усул ишлаб чиқдилар. Бу таклиф муҳокама қилиниб, янада такомиллаштирилгани учун қўшимча равишда ёрдамчи ишларни яна 2—3 процент қисқартиш имконияти туғилди. Агарда бизнинг фабрикамизда ёрдамчи ишларда бутун коллективимизнинг 25 процентидан ортиқроғи, я'ни минг кишидан кўпроқ ишчи банд эканлиги ҳисобга олинса, бу таклифнинг на қадар катта аҳамиятга эга эканлиги яққол кўринади. Агар биз мойловчи, тозаловчиларни ва бошқа касбдаги ёрдамчи ишчиларни 5—6 процент қисқартириб, уларни ишлабчиқаришнинг асосий участкаларига ўтказсак, шубҳасиз, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин даражада ошади.

Конференция қатнашчилари йигирув ва тўқув станокларини мойлашни марказлаштирилган автомат системага кўчиришни таклиф этдилар. Бу таклиф қўл кучи блан бажариладиган ишни комплекс механизациялаштириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми техника прогресси масаласига алоҳида э'тибор берди. Пленум қарорида кўрсатиб ўтилишича техника прогресси учун курош — коммунизм учун курашдир. Бу вазифани амалга оширишда рационализатор ва ихтиро'чилар жуда катта роль ўйнайдилар. Шу сабабли биз корхонадаги ихтиро'чилик ва рационализаторлик бюросининг фаолиятини жонлантириш, рационализаторлар блан ишлашни яхшилаш, уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш ва ихтиро'ларни тезда амалга оширишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Рационализатор ишчилар блан инженер-техник ходимлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш яхши натижалар бермоқда. Биз машиналарни тозалаш, санитар-техника ускуналаридан унумли фойдаланиш ва шу асосда ишлабчиқариш маданиятини ошириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида рационализаторлардан иборат комплекс бригада туздик. Бу бригада ишлабчиқариш маданиятини яхшилаш блан меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беручи рационал усулни топиш устида ишламоқда.

Бизда ҳар куни 30 тоннадан ортиқ пахта складдан йигирув ва тўқув цехларига келтирилади. Бу ерда улар ишланиб бўлгач, тайёр маҳсулот яна қўл кучи блан бошқа фабрикаларга ўтказилади. Пахта ва ярим фабрикатларни ташишда жуда кўп ишчи банд. Тўқув фабрикасининг ишчилари, бош механика бўлими ва ремонт бўлимининг инженер-техник ходимлари блан биргаликда ўз олдиларига ана шу иш процессларини механизациялаш вазифасини қўйдилар.

Биз Пленум томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқдик. Бу тадбирларнинг бажарилишини доимо назорат қилиб бормоқдамиз. Фабрика ма'мурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари техника прогресси учун боғланган курашга раҳбарлик қилмоқдалар. Ёрдамчи ишларнинг ҳажмини кескин равишда камайтириб, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга бутун э'тиборимизни жалб қилмоқдамиз. Фабрика рационализаторлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорига жавобан ўз зиммаларига мавжуд резервлардан унумли фойдаланиб, кўп меҳнат талаб этадиган ишларни комплекс механизациялаш юзасидан конкрет мажбурият олдилар. Масалан, механика мастерскойининг бошлиғи Боярский, конструктор Панина ва цех бошлиғи Ронис ўртоқлар блан ҳамкорликда ишлаб, пахта тойларини тушириш ва уларни сортларга ажратиш бўлимига олиб бориш ишларини механизациялаш устида ишламоқда.

Ҳозир биз валичний цехининг ишини конвейер усулига кўчирмоқдамиз. Бу тадбирни жорий қилишда мастер Дудкина, ремонтчилар бригадасининг бошлиғи Руденко ва мастер Маскатов ўртоқлар актив қатнашмоқдалар. Фабриканинг электр бўлими ходимларидан бир группаси лентали машиналарнинг автомат усулда тўхтатиш имконини беручи янги конструкцияни ишлаб чиқдилар.

Юқоридаги қилинган ишларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини амалга оширишдаги дастлабки қадамдир. Биз бундан кейин ҳам техника прогресси учун астойдил курашамиз ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини меҳнатда янги ғалабалар блан кутиб оламиз.

Г. ПЕШЕС,
И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати 1-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг бош инженери.

Қўшимча маҳсулот

Чирчиқдаги «Электрощитт» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, янги қурилишларга тобора кўпроқ электр ускуналари етказиб бериш учун курашмоқдалар. Корхонадан фақат кейинги ҳафта ичидагина Урол, Сибирь, Узоқ Шарқ, Забайкалье ҳамда мамлакатимиздаги янги электростанция ва подстанциялар қурилишларига ўнларча трансформатор, щитта, панель, блок, КРУ ускуналари ва бошқа агрегатлар жўнатилди.

Ўртоқ Сарагоса раҳбарлик қилаётган монтаж-йиғиш цехининг коллективи мусобақада муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу цехнинг ўртоқ Богданов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси бирнеча ойлардан буён биринчиликни қўлдан бермай келаётир. Бригада а'золари ўз цехларидаги барча имкониятдан унумли фойдаланиб, янги резервларни ишга солмоқдалар. Масалан, илгари щита, панель ва бошқа агрегатлар алоҳида йиғилар эди. Бу иш усули ўзгартирилиб, ҳозир 10—12 агрегатнинг ҳамма заготовкаларини тайёрланади. Кейин уларни бирйўла йиғишга ўтилади.

Бу метод блан ишлаганда 10—12 агрегат айни бир вақтда тайёр бўлади. Меҳнатни ана шу-поток усулида ташкил қилиб, бригада а'золари меҳнат унумдорлигини 25—30 процент оширдилар. Натижада ҳар ойда 5 — 6 агрегатни планга қўшимча равишда ишлаб чиқармоқдалар.

Шунингдек, корхона механика цехининг коллективи ҳам унумли ишлаётир. Коллектив йигув цехларини детальлар блан ҳардоим тўла та'минлаб келмоқда. Цех ишчилари металл тежашга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Август ойининг 20 кунида бир тоннадан ортиқ қора ва рангли металл тежалди. Улардан ускуналар учун юзларча детальлар ишлабчиқарилди.

С. ИСМОИЛОВ.

Маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини янада яхшилайлик

Тошкентда маданият ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда маданий-оқартув муассасаларининг аҳволи ва уларнинг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида область партия комитетининг секретари Ўртоқ Бродова доклад қилди.

— Совет кишилари, — деди докладчи, — КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, коммунистик қурилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг саноатда техникани янада тараққий этдириш, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини кескин суратда ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун курашда маданий-оқартув муассасаларининг роли гоят каттадир. Улар саноат корхоналарида, колхоз, совхоз ва МТСларда оммавий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш ва меҳнаткашларни партиямиз томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этишда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Идеологик жиҳатдан та'сир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланган маданий-оқартув муассасаларининг турли тормоқлари олдида турган муҳим вазифа— меҳнаткашларни социалистик Ватанга муҳаббат, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашдан, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақани кучайтириш ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилишни та'минлашдан иборат. Бунинг учун областимизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида, колхозлар ва МТСларда 750 дан ортиқ маданий-оқартув муассасаси бор, уларда 2 мингдан зиёд ходим ишлаб турибди. Кейинги вақтларда областьдаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти анча яхшиланди. Область маданият бошқармаси ҳузурида ва районларда маданият ходимларининг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этилди. Кино тормоқлари ва колхоз клубларининг иши бирмунча жонлантирилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан кенгаш қатнашчилари қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш масаласига катта э'тибор бердилар. Кўпгина маданий-оқартув муассасалари, жумладан, Тошкент шаҳридаги тикучилар ва тўқучилар маданият саройлари, Мирзачўл районидаги «Октябрь», Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхоз клубларида муҳим тадбирлар амалга оширилаётганлигини, илғорлар тажрибаси кенг пропаганда қилинаётганлигини ва меҳнаткашларнинг дам олиши кўнгилли ўюштирилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Гулистон районидаги Свердлов номли колхоз клуби айниқса кейинги вақтларда ўз фаолиятини жонлантириб юборди. Клуб ҳузурида драма, музика, рақс, шахматшашка ва бошқа тўгараклар мунтазам ишлаб туради. Бу ерда қишлоқ ўқитучилари, агрономлар ва медицина ходимларини ўюштирган лекторлар группаси тузилган. Клуб колхозчиларнинг энг севимли жойларидан бирига айланган. Унда системали равишда кинофильмлар кўрсатилади, ёшларнинг кечалари, китобхонлар конференциялари ўтказиб турилади. Октябрь районидаги Каганович номли, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз клубларида ҳам ана шундай муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин шу билан бир қаторда областимизнинг маданий-оқартув муассасалари ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар айниқса қишлоқ жойларида қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатиб ўтиш керак. Кўпгина колхоз ва МТСларда яхши жиҳозланган клублар ўёқда турсин, ҳатто қизил бурчаклар ҳам ташкил этилмаган. Оҳангарон районидаги 12 колхозда фақат 7 тасида клуб бор. Уларда ҳам ҳеч қандай оммавий-маданий тадбирлар амалга оширилмайди.

Бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларининг ишини жонлантиришга етарли э'тибор берилмаётир. Маданият ходимлари одатда бу масала билан кўпроқ ва Ашула байрамлари олдидагина шуғулланадилар. Бадиий ҳаваскорлик коллективларида қишлоқ ёшлари, айниқса ўзбек қизлари жуда оз. Бадиий ҳаваскорларнинг область кўригида маҳаллий миллат қизларидан фақат 15 киши қатнашди.

Кенгашда воқи'лигимизни акс эттиручи тўлақонли асарлар яратиб бермаётганликлари учун республика Совет ёзучилари союзи ва композиторлар союзи адресига ҳақли э'тирозлар билдирилди.

Кенгашда лекция пропагандасининг савияси ва ҳажми областимиз олдида турган муҳим хўжалик-сиёсий вазифаларга жавоб бераолмаётганлигини кўрсатучи жуда кўп фактлар келтирилди. Область лекция бюроси, кўпгина район маданият бўлимларининг лекторлар группаси фаолиятида ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Табиий-илмий, техника ва қишлоқ хўжалик темаларида, ишлабчиқариш илғорларининг тажрибаси ҳақида жуда кам лекция ўқилади. Кўп лекцияларнинг ғоявий-сиёсий ва илмий савияси жуда паст.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда кино муҳим роль ўйнайди. Областьнинг Калинин, Бекобод, Ўртачирчиқ районларида аҳолига кино хизмати кўрсатиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Лекин, колхозчилар ва механизаторларга кино хизмати кўрсатишда катта камчиликлар бор. Шуни кўрсатиб ўтиш кифоя қиладики, Чиноз районидаги Шверник номли колхоз а'золарига шу йил мобайнида фақат иккита кинофильм кўрсатилган. Бундай аҳволни бошқа колхозлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, бу йил киноустановкалардан фойдаланиш плани областьдаги қишлоқ районларининг ярмисидагина бажарилган.

Кенгаш қатнашчилари Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз кутубхонасининг мудири Ўртоқ Урмакаеванинг гапини зўр э'тибор блан тингладилар.

— Колхоз правлениеси, — деди у, — кутубхонамизни янги бино блан та'минлаган. Кутубхона 11 минг дона китоб фондига эга. Унинг актив китобхонлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Кутубхонанинг иши ҳозирги вақтда дала шийпонларига кўчирилди ва ҳарбир дала шийпонида китобхонлар активи ташкил этилди. Улар адабиётларни пропаганда қилишда кутубхоначига ёрдам бермоқдалар.

Ўртоқ Урмакаева активларнинг ёрдами блан ғўза ва маккажўхорини парвариш қилишда прогрессив агротехника усуллари тўғрисидаги китоблардан иборат виставка ташкил этилганлигини ва кутубхона ҳузурида табиий-илмий темалардаги адабиётлар бурчаги ишлаб турганлигини айтди.

Лекин, қишлоқ ва колхоз кутубхоналарининг ишини ҳамма жойда ҳам ана шундай яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Қишлоқ кутубхоналарининг нотўғри жойлаштирилганлиги қатта камчиликлардан бири ҳисобланади. Кўпгина ўқиш хоналари ва колхоз кутубхоналари қоғозда бўлиб, амалда ишламайди. Областимиз районларида китоб савдоси ёмон ташкил этилган.

Кенгаш қатнашчилари аҳолига маданий хизмат кўрсатиш ишларидаги жиддий камчиликларнинг рўй беришига, асосан область маданият бошқармасининг қониқарсиз ишлаётганлиги сабаб бўлганлигини айтдилар. Боёвут район ижроия комитети маданият бўлимининг мудири Обидов, Бекобод шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Алиев, Ўртасарой район кино-ремонт пунктининг мастери Карпенко ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида область маданият бошқармасининг ишларида бюрократизмга йўл қўйилаётганлигини, маҳаллий органларга жонли раҳбарлик ўрнига, кўп вақтларда мажлисбозликка берилиб кетганини, кадрларни танлаш ва тарбиялаш иши ёмон олиб борилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар.

Кенгашда областьдаги маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхшилаш, пахта йиғим-терими вақтида колхозчиларга ва механизаторларга маданий хизмат кўрсатишни та'минлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

Ўқишнинг биринчи кунида

Куйбишев районидаги 71-нчи мактабда биринчи кундаги дарс машғулотлари зўр уюшқоқлик блан бошланди. Суратда: (чапдан, олдинги қаторда) 1-нчи «А» синф ўқучилари **Владимир Елов** ва **Зуҳра Ҳусанова**лар дарс машғулотида.

В. Салов фотоси.

Тошкент область комсомол комитетининг пленуми

Яқинда Тошкент область комсомол комитетининг VI Пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда комсомол ташкилотларининг иштироки ҳақида ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори ва область комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Бенжаев доклад қилди.

— Областьдаги саноат корхоналарининг комсомол ташкилотлари,—дейди докладчи, — комсомол ва ёшларни партия ва ҳукуматимиз томонидан халқимиз олдига қўйилаётган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этмоқдалар. Ҳозир областьда 45 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар социалистик мусобақада қатнашаётирлар. Мингга яқин комсомол-ёшлар сменаси ва бригадалари ташкил этилди.

Шу блан бирга область саноат корхоналарининг комсомол ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Комсомол ташкилотлари илғор методларни оммалаштириш, рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

—Экскаватор заводида, — деди Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Абдунабиев, — керамик резецни ўзлаштириб, ишлабчиқаришга тадбиқ этилганига 2—3 ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу давр ичида завод коллективи жуда кўп қимматли материални тежади. «Узбексельмаш», «Ташсельмаш» заводларидан ишчилар, комсомоллар келиб бу метод блан танишдилар ва уни ўз заводларида ҳам тадбиқ этишга қарор қилдилар. Лекин завод раҳбарлари, комсомол ташкилотлари бу муҳим ишга бефарқ муносабатда бўлмоқдалар.

Шунингдек, доклад юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан Олмалиқ шаҳар комсомол комитетининг секретари Турциев, Чирчиқ электрохимия комбинати комсомол комитети секретарининг ўринбосари Шведц, Каганович номли паровозремонт заводининг электромонтёри Милов ва бошқа ўртоқлар корхоналарда комсомол ишларини яхшилаш, социалистик мусобақани ташкил қилиш ҳамда ишлабчиқаришда ички резервлардан тўла фойдаланиш масалаларига тўхтадилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ёш ёзучиларга жиддий э'тибор бериш керак"

Газетамизнинг шу йил 25 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа блан чиққан мақолада Ўзбекистон Совет Ёзучилар союзи ҳаваскор ёш ёзучиларга ёрдам бермай келаётгани, адабиёт тўгаракларининг иши жамоачилик э'тиборидан четда қолаётгани ва шу соҳадаги бошқа қатор камчиликлар танқид қилинган эди.

Ўзбекистон Совет Ёзучилар союзининг раиси Ўртоқ Абдулла Қаҳҳорнинг редакцияга хабар қилишича, ёзучилар союзи мақоладаги фактларни аниқлаш учун махсус комиссия тузган ва текшириш натижаси 8 августдаги президиум мажлисида муҳокама қилинган. Президиум мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилигини тўла тасдиқлаган ва ёш ёзучилар блан ишлашни кучайтиришга қаратилган махсус қарор қабул қилган.

ШОДИЁНА КУН

Ҳаво очиқ, осмон мусаффо. Эрталабки ҳузур бағишловчи шабада эсмоқда. Қалин дарахтзор орасида оқариб, баҳаво жойдаги кўркам мактаб биноси қад кўтариб турибди. Бинога кираверишдаги икки тавақали эшик тепасига «Хуш келибсиз» деган сўзлар ёрқин ҳарфлар блан ёзиб қўйилган. Қадрдон мактаб ўз ўқучиларини кенг қучоқ очиб кутмоқда.

Биринчи сентябрь куни эрталаб Қорасув районидаги Сталин номли 10-нчи ўрта мактаб саҳни байрам тусини олди. Ёзги каникулни пионерлар лагерьлари, санаторилар ва соғломлаштириш майдонларида кўнгилли ўтказиб, янги куч ва янги ғайрат блан қайтган хушчақчақ болалар илмга меҳр-муҳаббат ҳислари блан тўлиб-тошган ҳолда яна ўз қадрдон мактаблари қучоғига келдилар.

Бу ерда озода кийинган ва қўлларида гулдаста кўтариб, бўйинларига қизил галстук тақиб олган ҳархил ёшдаги ўғил-қиз болалар самимий суҳбатлашмоқдалар, қувончларини юракларига сиғдираолмай бир-бирларини янги ўқув йили блан қизғин табрикламоқдалар. Улар орасида рус, ўзбек, корейс, қозоқ ва бошқа миллат ўғил-қизлари бор.

Бу йил мактаб остонасига эндигина қадам қўйган биринчи синф ўқучилари ўз ота-оналари блан биргаликда келганлар. Улар ҳам бошқа ўқучилар каби звонок чалинишини ошиқиб кутмоқдалар. Ҳаммасининг кўзида нур, юзида севинч аломатлари порлаб турибди.

Биринчи дарснинг бошланишига салгина вақт қолганда, мактаб директори Ўртоқ С. Хасанов ўқучиларни янги ўқув йили блан табриклади ҳамда уларга яхши ва а'ло баҳолар блан ўқишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Соат раса 8 яримда дарс бошланганидан дарак беручи звонок чалинди. Шу заҳотиёқ ҳамма ўқучилар ўз синфларида ҳозир бўлди. Турли фан ўқитучилари янги программалар юзасидан дастлабки машғулотларни бошлаб юбордилар.

Ўқиш бошланган биринчи кунда ўқучиларнинг деярли ҳаммаси мактабда ҳозир бўлдилар. Янги ўқув йилига ўз вақтида ва ҳартомонлама намунали тайёрланган бу мактабда дастлабки машғулотлар ана шундай уюшқоқлик блан бошланди.

Қ. ҲИКМАТОВ.

ЁРҚИН ҲАЁТ ЭГАЛАРИ

Кўча эшикдан ҳовлига киришингиз блан кўзингиз ўнг томонда ташкил этилган кўча ҳаракати ва санитария бурчагига ташланади. Буерда махсус тайинланган ўқитучи турипти. У тонг саҳардан мактаб қучоғига етиб келаётган ва байрамлардагидек ясанишган ўқучиларни кутиб олиб, бурчакка қўйилган ҳартугли кўргазмали материаллар асосида кўча ҳаракати қоидалари ва мактаб гигиенаси ҳақида тушунча бермоқда. Ундан нарироқда, физкультура майдончаси ва ўқув-тажриба участкаси территориясида, ичкарида — коридорларда хушчақчақ ўғил ва қиз болалар группа-группа бўлиб юриптилар. Уларнинг ба'зилари ўқув-тажриба участкасида қордек оппоқ очилиб ётган пахтани, майдончада янги ўрнатилган флугер (шамолнинг йўналишини кўрсатадиган асбоб)ни қизиқиб кўздан кечирмоқдалар, ба'зилари «Ёш куч» деворий газетасининг янги сонини ўқимоқдалар.

Мактаб ҳовлиси борган сари ота-оналар, ўқучилар ва эндигина 1-нчи синфга қадам қўяётган жажжи болалар блан гавжумлашмоқда. Меҳрибон ўқитучилар, синф раҳбарлари ҳамда қомсомол, пионер ва ўқучилар ташкилотларининг вакиллари уларни самимий қаршиламоқда.

Мана, ҳовлида ота-оналардан Рафиқ Розиқов ва Тўйчи Каримов пайдо бўлади. Улардан бири фигус ва иккинчиси аландра гул-ўсимликларини мактабга янги ўқув йили шарафига яхши тилаклар блан совга қилиб келтиради ва уни мактаб директори Ўртоқ Ғаффор Рашидовга топширади. Кўпгина болаларнинг қўлларидаги гул дасталар эса худди чаманзорни эслатади.

Ҳамма ҳаракатда. Юзларда табассум, кўзларда бахтиёрлик ва севинч нурлари порлайди, тилларда каникул хотиралари бийрон-бийрон қайд этилади. Бегубор юраклар жонажон синф — биринчи машғулотлар сари ошиқади.

Ниҳоят, кўпдан бери кутилган дақиқалар яқинлашади. Вақт худди соат саккизга етганда, барча болалар ўз синфлари бўйича сафга тизиладилар. Шунда ҳовли саҳнида ажойиб манзара пайдо бўлади. Мактаб директори Ўртоқ Г. Рашидов қисқача нутқ сўзлаб, бу ерга йиғилганларни янги ўқув йили бошланиши блан табриклайди, уларга ўқишда янги муваффақиятлар тилайди, бунинг учун қунт ва сабот блан ўқиш, мактаб блан оила ўртасидаги алоқани, онгли интизомни мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида уқдириб айтади. Сўнгра оталиқдаги мебель фабрикасининг директори К. Имомбердиев, ўқитучилардан У. Додомуҳамедов ва К. Тўйчиева, мактаб комсомол комитетининг секретари, 10-нчи синф ўқучиси Т. Файзиев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўқучиларни ҳаммавақт шаҳсий намуна кўрсатишга, яхши ва а'ло даражада ўқишга чақирадилар.

Шундан кейин тантанали маросим бошланади. «Алифбе» китобини қўлтиқлаган жажжи болалар 10-нчи синф ўқучиларига гулдасталар, 7-нчи синф ўқучилари эса 1-нчи синф ўқучиларига олдиндан тайёрлаб қўйилган қизил байроқчаларни тақдим этадилар. Қарсаклар чалинади, дўмбралар гумбурлайди.

Тантанали маросим тугалланиши блан ноқ звонок овози янграб эшитилади. Барча болалар саф-саф бўлиб синфларга томон йўлланадилар, озода ва ёруғ синфларда дастлабки машғулотлар бошланади.

Бу йил янги ўқув йилини ана шу тариқа кутиб олган Тошкент шаҳар, Сталин районидаги 82-нчи ўрта мактабда очилган 26 синфда 918 бола — ёрқин ҳаёт, буюк истиқбол эгалари та'лим олади. Шундан 369 бола биринчи сменада ўқийди, уларга 56 ўқитучи турли фанлардан дарс беради, илғор совет фани асосларини ва политехника та'лими малакаларини сингдиради.

Ш. ТОҲИРОВ.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Кўчаларни тўлдириб, қўлларига гулдасталар тутган ва портфель кўтарган ўғил-қизлар мактабга шошилар эдилар. Боғчадан мактаб қучоғига кичкинтойлар ҳам йўл олдилар. Ўрта Осиё Политехника институтининг лаборанти Ўртоқ Азим Юсупов ҳам ўғли Алишерни биринчи марта мактабга олиб келди.

Мактаб ҳовлиси худди байрам тантанасига ўхшайди. Меҳрибон ўқитучилар ўзларининг юзлаб ўқучиларини кутиб олмоқдалар. Мана 3-нчи «Б» синф ўқитучиси Ольга Константиновна Михайлова болаларни худди ўз фарзандидай севиб, эркаламоқда.

— Шуҳрат, ёзда қандай дам олдинг, қаерларда бўлдинг?

— Лагерьга бордим, икки килограмм семириб қайтдим Ольга Константиновна, — деди Шуҳрат Мақсудов.

Ўқитучи Азиза Назарова мактабга биринчи келган эркатойлар ёнида. Арофат Носирова, Гриша Бобожонов каби боғчада тарбияланган кичкинтойлар ўқитучига гулдасталар тақдим этадилар.

Биринчи звонок чалинди. Ўқучилар ёруғ, озода синфларга кириб парталардан жой олдилар. Биринчи синф ўқучилари— эркатойлар учун бу кун жуда ҳам тантанали туюлар эди. Чунки улар боқча, уй эшигидан чиқиб, мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйганлар. Уларнинг қўлида «Алифбе» китоби. Бу мактабда ўзбек ва рус болалари биргаликда ўқийдилар. Ҳурматли ўқитучи Валентина Михайловна биринчи синфга яна янги ўқучиларни қабул қилиб олди.

Тошкент Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли мактаб коллективи 598 ўқучининг ҳаммасини биринчи сентябрь куни жуда уюшқоқлик блан кутиб олди. Бахтиёр авлоднинг илмга меҳр-муҳаббат блан тўлиб-тошган ҳолда ўқиш бошлаши юрак завқини қўзғатади:

Ўғил-қиз бирга ўқир,
Бир она фарзандидай.
Келажакни кўраман,
Қувонган кўзларида.
Коммунизм боғининг
Сермева пайвандидай,
Эртанинг ёрқинлиги
Лоларанг юзларида.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Самарали йиллар

(А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-сан'ати институтининг ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати блан институт директори Ўртоқ Я. З. ВЕЛИЕВ блан суҳбат)

Мамлакатимизда янги социалистик жамият қурилиши, коммунизм сари олга дадил боришимизнинг сур'ати социалистик маданиятнинг ривожланиши блан боғлиқдир.

Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимиз сан'ат, адабиёт ва фанни янада ривожлантириш масалаларига катта э'тибор бераётир.

Ўзбекистонда театр сан'ати — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг меваси дир. Ўзбекистонда шаклан миллий ва мазмунан социалистик бўлган чинакам халқ сан'ати Совет ҳокимияти йилларидагина гуллаб-яшнади. Ҳозир республикамизда 26 театр ва мингдан бадиий ҳаваскорлик тўгараклари бор.

СССР Министрлар Совети 1945 йил май ойида Тошкентда Давлат театр сан'ати институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Институтда актёрлик, режиссёрлик ва театршунослик факультетлари очилди. Бу факультетларнинг фаолияти театр сан'атининг кўпгина ходимлари учун олий ма'лумот олишга катта имконият яратиб берди. Шуни ҳам айтиш керакки, республика театрлари ходимлари ичида махсус ма'лумотга эга бўлган режиссёрлар, актёрлар ва театршунослар деярли йўқ эди. Бу ҳол социалистик реализмнинг юксак принциплари руҳида монументал спектакльлар яратиш ишини қийинлаштирарди.

Институт секин-аста чинакам ижодий лабораториягa айланди, ижодий ходимлар ҳисобига бойиб борди. Ўтган 10 йил ичида институт Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларига 360 дан ортиқ олий ма'лумотли кадр етиштириб берди. Шу давр ичида ўзбек актёрлари курсини 7 группа, қозоқ курсини бир группа, тожик курсини бир группа, қирғиз курсини икки группа студентлар тамомлаб чиқди. Режиссёрлар курсини эса 5 группа тамомлади.

Институтда та'лим олган кўпгина кишилар ҳозир Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари театрларида режиссёрлик қилмоқдалар. Булар ичида «Қутлуғ қон», «Оила» спектакльларини постановка қилган талантли режиссёр Т. Ҳўжаев, Сталин мукофоти лауреати, режиссёр Р. Ҳамроев ўртоқлар бор. Ш. Аббосов, К. Мажидов ўртоқлар ҳам режиссёр бўлиб ишлаётирлар. Институтни биринчи бўлиб тамомлаган ўзбек хотин-қизларидан режиссёр Ш. Ма'зумова Ўзбекистон ССР халқ артистидир.

Республика театрлари талантли ёш актёрлар блан тўлиб бормоқда. Масалан, Ҳамза номидаги ўзбек Академик драма театрида институтни битириб чиққан И. Алиева, Я. Абдуллаева, И. Маликбоева, Л. Бадалова ва бошқа ўртоқлар муваффақиятли ишламоқдалар.

Ўтган 10 йил институт фаолиятида шаклланиш, ривожланиш, қийинчиликларни енгиш даври бўлди. Дастлабки вақтларда институтга абитуриентлар қабул қилиш масаласида анчагина қийинчиликлар содир бўлди. Институтга кўпинча назарий жиҳатдан тайёргарлиги бўлмаган ўқучилар қабул қилинди. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги Тошкентдан бўлиб, республикамизнинг область ва районларидан келган кишилар жуда озчиликни ташкил қилар эди. Айниқса ўзбек хотин-қизлари институтга кам кирар эдилар. Ҳозирги вақтда эса областьлардан келган жуда кўплаб ёшлар қунт блан та'лим олмоқдалар.

Институт ташкил этилган дастлабки йилларда ўқитуч[illegible] масаласида анча қийинчиликлар юз берди. Чунки, ўша вақтларда актёрлар маҳоратини ошириш, режиссёрлик бўйича деярли ўқитучилар йўқ эди. Институт мутахассис кадрлар, айниқса маҳаллий кишилардан мутахассис кадрлар етиштириш масаласида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Ўзбекистонда рус театри, совет театри, четэл театри тарихи курси, шунингдек, марксча-ленинча эстетика фани бўйича театршунослар йўқ эди. Дастлабки вақтларда театр сан'атининг кекса ходимларидан М. Уйғур, Е. Бобожонов, И. В. Рагун, профессор М. С. Григорьев, Х. Д. Устабоева, Н. Алиева ва бошқа ўртоқлар машғулотларни олиб бордилар. Кейинги вақтларда эса, Ҳамза номли ўзбек Академик драма театрининг артисти О. Ҳўжаев, Н. Раҳимов ва бошқа ўртоқлар актёрлик маҳорати бўйича ўқитучи бўлиб ишлай бошладилар. Ҳозир институтнинг 57 ўқитучисидан 16 таси ўзбеклардир. Улар ичида ўзбек хотин-қизларидан Н. Алиева (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист), Ш. Ма'зумова (Ўзбекистон ССР халқ артисти), С. Назруллаева ва бошқа ўртоқлар бор.

1954 йилда СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ институтда қўшимча бадиий факультет ташкил этилди. Факультетда тасвирий сан'ат бўлими очилди. Келгусида декораторлик, графика ва ҳайкалтарошлик бўлимлари ҳам очилади. Янги факультетнинг вазифаси—ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа миллат ёшларидан юқори малакали рассом кадрлар етиштиришдан иборат. Бу эса келажакда республикамизда Бадиий академия очишга замин тайёрлайди.

Ҳозирги вақтда институтда 83 ўзбек, 27 туркман, 13 тожик, 29 қирғиз, 11 қозоқ, 8 қорақалпоқ та'лим олаётир. Бу йил янги ташкил этилган корейс группасига студентлар қабул қилинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, институтимиз фаолиятида анчагина жиддий камчиликлар ҳам бор. Институтда зарур ишлабчиқариш базаси йўқ. Битирувчилар спектаклини кўрсатиш учун махсус бино, шунингдек Бадиий факультет виставкасини намойиш қилиш ва рассомларнинг амалий ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш учун жой йўқ.

Шу вақтгача республикамизда К. С. Станиславский, Немирович-Данченко ва бошқа театр арбобларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмаган. Ўзбек совет драматурги, композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мерослари етарли даражада ўрганилмаган. Ҳатто республикамизда етакчи театр ҳисобланган Ҳамза номли ўзбек Академик драма театрининг тарихи ҳам ёзилмаган. Бу ҳол институтда ўқиш-ўқитиш ишларини яхши йўлга қўйишга халал бермоқда.

Ўтган 10 йил институтнинг шаклланиш ва ўлғайиш давридир. Ўсиб келаётган ёш авлод ўз йўлидаги барча қийинчиликларни сабот ва матонат блан енгади. Биз, институт коллективи, партия ва совет ташкилотларининг ёрдами блан зиммамизга юкланган шарафли вазифани бажариш учун барча куч ва ғайратимизни сарфлаймиз ҳамда малакали мутахассис кадрлар етиштиришни бундан буён ҳам янада намунали ташкил этамиз.

ҚИШЛОҚ МАКТАБИДА

1 сентябрь. Эрталаб қишлоқ кўчаларида ҳаракат барвақт бошланди. Бўйинларига қизил галстук тақкан, байрамлардагидек озода кийинган ўғил ва қиз болалар эрталабдан мактаб ҳовлисига тўпланабошладилар. Уларнинг аўппигина юзлари ва севинч тўла кўзларидан каникул кунларида кўнгилли дам олиб, янги ўқув йилига янги куч ва ғайрат блан келганликлари сезилиб турипти.

Соат 8 ярим. Мактаб директори Ўртоқ Н. Жалилова саф тортган ўқучиларни янги ўқув йили блан табриклади ва ўқишда уларга катта муваффақиятлар тилади. Ўқучилар ўз мактабларининг ўнйилликкка айлантирилганлигини зўр қониқиш блан кутиб олдилар. Район партия комитетининг вакили Ўртоқ Т. Абдуллаев ҳам ўқучиларни қизғин қутлади.

Соат 9 бўлгач дарс бошланганлигидан дарак беручи биринчи звонок чалинди. Шу заҳотиёқ ўқучилар тартиб сақлаган ҳолда ўз синфларига кириб жойлашдилар. Шу блан биринчи сменада деярли ҳамма ўқучи дарсга қатнашди.

Тошкент районидаги 4-нчи ўрта мактабда янги ўқув йили анашундай уюшқоқлик блан бошланди. Мактаб коллективи колхоз правлениеси ва колхозчи ота-оналар блан ҳамкорликда янги ўқув йилига ҳартомонлама пухта тайёрлик кўрди. Шубҳа йўқки, янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёргарлик кўрган мактаб педагогик коллективи бутун ўқув йили давомида та'лим-тарбия ишларини юксак савияда олиб бориб, яхши кўрсаткичларга эришадилар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Вьетнам Демократик Республикасининг ўнйиллиги

Вьетнам халқи ва ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар бугун Вьетнам Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг ўнйиллигини нишонламоқдалар.

1945 йил 2 сентябрь—вьетнам халқининг тарихида янги даврга асос солинган кундир. Вьетнам Демократик Республикасининг вужудга келтирилиши вьетнам халқининг француз мустамлакачиларга қарши, шунингдек 1940 йилдан тортиб 1945 йил август ойигача Хинди-Хитойни оккупация қилган япон босқинчиларга қарши кўп йиллар мобайнида олиб борган миллий-озодлик курашининг натижаси бўлди.

1945 йилнинг август ойида бошланган умумий қуролли қўзғолон натижасида халқ ҳокимиятни ўз қўлига олди. Муваққат халқ ҳукуматининг республика тузилганлигини э'лон қилган декларациясида бундай дейилган эди: «Саксон йилдан ортиқ вақт мобайнида Франция ҳукмронлигига қарши жуда қаттиқ қаршилик кўрсаттан халқ, кейинги йилларда фашизмга қарши иттифоқчилар томонида туриб сабот блан жанг қилган халқ озод бўлишга ҳақлидир, бу халқ мустақил бўлиши керак».

Аммо, мустамлакачилар ёш демократик республикани йўлида ва бу республика томонидан амалга оширилган демократик ислоҳотлар йўлида унга тўсқинлик қилдилар. Мустамлакачилар миллий-озодлик ҳаракатини бостириш ва эски тартибларни тиклаш учун бутун кучлари блан уриниб кўрдилар. Вьетнам халқи саккиз йил мобайнида душманга қарши қонли урушни давом этдирди ва бу урушда мардлик ҳамда фидокорлик му'жизаларини кўрсатди.

Вьетнам Демократик Республикаси бу курашда ғалаба қозонди. Ташқи ишлар министрларининг бундан бир йил илгари Хинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида Женевада имзоланган битими ана шу қонли урушга хотима берди.

Женева битимлари имзоланган пайтдан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Битимда кўзда тутилган муҳим қоидаларнинг кўпи амалга оширилди. Узаро келишилган битимга тамомила мувофиқ суратда Вьетнамнинг бутун территориясида уруш ҳаракатлари тўхтатилди, ҳарбий асирлар алмашинди. Шу йилнинг май ойида қўшинларни қайтадан группалаш тугалланди ва Женева битимига мувофиқ, муваққат демаркация линияси деб ҳисобланган 17-нчи параллельнинг шимолидаги территорияга ВДР ҳукумати контроллик қилиб келмоқда.

Мамлакатнинг шимолий қисми тамомила озод қилинганлиги вьетнам халқининг буюк ғалабаси бўлди. Шу блан бирга бутун мамлакатни тинч йўл блан бирлаштириш учун мустаҳкам база вужудга келтирилди. Женева битимларидаги ҳарбий моддаларнинг бажарилиши Вьетнамнинг бутун территориясида умумий эркин сайлов ўтказиш йўли блан мамлакатнинг географик ва сиёсий бирлигини тиклаш учун зарур шарт-шароит вужудга келтирди. (Женева битимларига мувофиқ бу сайловлар 1956 йил июль ойида ўтказилиши керак).

ВДР ҳукумати Женева битимларининг ҳарбий ва сиёсий моддаларини пухта бажариб, умумий сайловга тайёргарлик кўриш учун Жанубий Вьетнам ма'мурларининг вакиллари блан консультатив конференция ўтказиш тарафдори эканлигини бирнеча марта ма'лум қилди. Аммо, Нго Динь Дьем бошчилигидаги Жанубий Вьетнам ма'мурлари Женева битимларининг бажарилишига халақит берюқдалар. Улар ВДР ҳукуматининг консультатив конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифини ма'қуллаш ўёқда турсин, балки 20 июльда, я'ни мазкур конференция бошланишидан лозим бўлган кунда Вьетнамда кузатиш ва контроль ишларини бажарган ва Сайгонда иш кўрган халқаро комиссияга қарши иғвогарлик ҳаракатини уюштирдилар. Бундан ташқари, 10 августда Жанубий Вьетнам ҳукумати махсус баёнот э'лон қилди. Бу баёнотда айтилишича, Жанубий Вьетнам ҳукумати «ўзини Женева битимлари блан бирор тарзда боғланган ҳукумат деб ҳисобламайди». Жанубий Вьетнам ма'мурлари ва уларнинг ажнабий ҳомийлари бу блан ўзларини Вьетнам масаласини тинч йўл блан ҳал этишнинг душманлари сифатида фош қилдилар. Вьетнамнинг бирлаштирилишига қарши эканликларини, Жанубий Вьетнамни Вьетнам Демократик Республикасига қарши, Хинди-Хитойда тинчлик ўрнатилишига қарши ташвиш ва иғволар ўчоғи сифатида сақлаб қолишни истаётганликларини кўрсатдилар.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгаши дун'ё халқларининг ҳал этилмаган халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал этиш имкониятига бўлган ишончини оширган бир пайтда, Жанубий Вьетнам тўдасининг 1954 йилда Женевада тузилган битимларни бузиш йўлидаги уринишлари вьетнам халқини ва барча тинчликсевар кишиларни қаттиқ ғазаблантирди. Жаҳон жамоатчилиги 1954 йилда ўтказилган Женева кенгашида қатнашган мамлакатлардан, даставвал, Америка Қўшма Штатларидан, Англия ва Франциядан Жанубий Вьетнам ма'мурларининг қўпорувчилик ишларига хотима бериш ва Женева битимларини тўла амалга оширишни та'минлаш учун зарур тадбирларни кўришни талаб қилмоқда. Шу муносабат блан Англия ташқи ишлар министрлиги махсус баёнот э'лон қилгандигини та'кидлаб ўтиш ўринлидир. Англия ташқи ишлар министрлиги бу баёнотида Нго Динь Дьем томонидан Сайгонда уюштирилган иғвогарчиликни «қоралади» ва Англия Жанубий Вьетнамда вужудга келган аҳволдан «ташвишланаётганлиги»ни кўрсатди.

Вьетнам халқи тинчлик душманларининг Хинди-Хитой масаласини тинч йўл блан ҳал этишга халақит бериш йўлидаги уринишларига қарши курашиб, ўз кучларини тобора кўпроқ жиплаштирмоқда. Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг 20 августда тамом бўлган саккизинчи пленуми чиқарган резолюцияда бундай дейилади: «Ҳозирги вақтда партиянинг ва халқимизнинг вазифаси—мустақиллик ва демократия базасида мамлакатни тинч йўл блан бирлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш ва янги урушнинг пайдо бўлишига халақит бериш учун шимол ва жанубдаги демократик тинчликсевар миллий кучларни уюштиришдан иборат». Пленум умумий эркин сайлов тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш мақсадида Жанубий Вьетнам ма'мурларининг ВДР ҳукумати вакиллари блан биргаликда ўтказиладиган консультатив конференциясида қатнашишига эришишни биринчи галдаги вазифа қилиб илгари сурди. Мустамлакачилик режими оқибатларини ва вайрон қилучи урушнинг оқибатларини тугатиш, миллий экономикани тиклаш ва ривожлантириш—Вьетнам Демократик Республикаси олдида турган энг муҳим проблемадир.

Вьетнам Демократик Республикасида бу вазифаларни бажариш учун кўп иш қилинди. Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати мамлакатнинг шимолий қисмида ер ислоҳотини тугаллаш ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантириш йўлида зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Душманга қарши олиб борилган уруш вақтида бошланган аграр ислоҳотларнинг асосий принципи «Ер—ишлаб экин экканики» деган принципдир. Миллат мажлисининг 3-нчи сессиясида 1953 йил декабрь ойида қабул қилинган аграр қонунга мувофиқ, мустамлакачиларнинг ва помещикларнинг ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқи тугатилади ва ер деҳқонларга топширилади. Бирқанча вилоятларда ер ислоҳоти ўтказилди. Ер ислоҳотининг биринчи даври, я'ни аренда ҳақини камайтириш 5 миллион 500 минг кишидан ортиқ аҳоли яшаган районларда амалга оширилди. Ер ислоҳотининг иккинчи даври, я'ни помещикларнинг ерларини тортиб олиш, бу ерларни деҳқонлар ўртасида тақсимлаш ишлари 1.735 қишлоқда амалга оширилди. Икки миллионга яқин деҳқон ер эгаси бўлиб қолди.

Ер ислоҳоти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун асос яратди. Тинчлик барпо қилинганидан кейин, Шимолий Вьетнамда 800 минг гектардан ортиқ ерга экин экилди. Шу блан бирга, 70 минг гектарга яқин қўриқ ер очилди, саккизта катта суғориш системаси реконструкция қилинди ва қўшимча равишда 250 минг гектар шолипоя сув блан та'минланди. Бу соҳада кўрилган тадбирлар яхши натижалар берди. Бу йил ёз фаслида Шимолий Вьетнам далаларида 1 миллион 200 минг тонна шоли олинди. Бу эса, ўтган йилдаги ҳосилдан 50 процент ортиқдир.

Ер ислоҳотининг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигини тиклаш соҳасидаги муваффақиятлар республика халқ тузумининг асосси бўлган ишчи ва деҳқонлар иттифоқини янада кўпроқ мустаҳкамлади.

Саноатни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида вьетнам халқи олдида катта вазифалар турибди. 1954 йилда уруш ҳаракатлари тамом бўлганидан кейин Вьетнамдаги саноат корхоналари ва, биринчи галда, давлат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдилар. Қалай, фосфат ва қўрғошин конлари йиллик планларни бажардилар. Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида ўтган йилдагига нисбатан бирнеча марта кўп кўмир чиқарилди. Бинокорлик материалларини, оҳмавий истеъмол товарларини ва айниқса қишлоқ хўжалик асбобларини ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Ўтган йили Ханой-Мунаньгуань темир йўлининг тикланганлиги, иккита янги темир йўлнинг қурилганлиги ва сув йўлларининг кенгайтирилганлиги савдо-сотиқни ривожлантириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан нормал та'минлаш учун қулай шароит вужудга келтирди. Шаҳар блан қишлоқ ўртасида товар айирбошлаш кўпайди.

Жанубий Вьетнам ма'мурлари мамлакатнинг шимолий қисми блан жанубий қисми ўртасида савдо-сотиқнинг ривожлантирилишига халақит бераётганликларига қарамай, улар ўртасида товар оборoти ҳажми 1955 йилнинг биринчи ярмида 1954 йилдаги товар оборoти ҳажмидан бир ярим марта ортди.

Тез ривожланиб бораётган давлат саноат ва савдо корхоналари миллий экономикада етакчи роль ўйнайбошлади. Мустамлака асоратидан халос бўлган хусусий корхоналар ҳам умумий иқтисодий вазифаларни ҳал этишда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ВДР ҳукумати йириқ саноат қурилиши планларини ишлаб чиқмоқда. Бу планлар миллий экономиканинг характерини тубдан ўзгартириши, мустамлака режимидан мерос бўлиб қолган иқтисодий қолоқликни тугатиши лозим. Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Европадаги халқ демократияси мамлакатлари томонидан вьетнам халқига кўрсатилаётган ёрдам бу соҳада катта роль ўйнамоқда. Яқинда президент Хо Ши Мин бошчилигидаги ВДР ҳукумат делегацияси блан Пекинда ХХР ҳукумати ва Москвада Совет Иттифоқи ҳукумати ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида Вьетнам Демократик Республикасига иқтисодий соҳада катта ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Ма'лумки, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати темир йўлларни, дар'ё пристаньларини, кўпирикларни тиклаш ва бошқа ишлар соҳасида ёрдам кўрсатиш учун ВДР ҳукуматига 800 миллион юань маблағни қайтариб бермаслик шарти блан топширишга қарор қилди, Совет Иттифоқи ҳукумати эса, ВДРда турмуш даражасини ошириш ва экономикани тиклаш учун, шу жумладан, 25 саноат корхонаси ва коммунал корхонани тиклаш ҳамда қуриш учун 400 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди. Бу маблағлар ВДР ҳукуматидан қайтариб олинмайди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг август пленуми ВДР ҳукумат делегациясининг СССРга ва ХХР-га қилган сафари натижаларига баҳо бериб, қуйидагиларни та'кидлади: Совет Иттифоқи ва ХХР нинг бегараз ва қимматли ёрдами вьетнам халқини экономика ва маданиятни тиклаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда юз бераётган барча қийинчиликларни енгишга илҳомлантирмоқда. Пленум, ана шу сафар вьетнам халқи блан СССР ва ХХР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлади ва Хинди-Хитойда тинчлик ҳамда давфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар тўғрисида СССР, ХХР ва ВДР ҳукуматларининг фикрлари тантана қилганлигини намойиш қилиб кўрсатди, деб та'кидлади. Пленумнинг резолюциясида бундай дейилади: «Бу ҳолат мамлакатимиз учунгина эмас, балки Осиёда ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун курашаётган барча кучлар учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир».

Тинчлик лагерида мустаҳкам турган Вьетнам Демократик Республикаси янги, эркин ҳаёт қуриш йўлидан зўр ишонч блан олга бормоқда. Бу республикаснинг халқаро миқ'ёсдаги обрўси тўхтовсиз ошмоқда, унинг халқаро миқ'ёсдаги алоқалари кенгайиб бормоқда. Ҳиндистон бош министри Нерунинг ВДР пойтахти Ханойга борганлиги, ВДР ҳукумат вакиллари блан Бирма бош министри У Ну ўртасида бўлган музокаралар, шунингдек ВДР вакилларининг Осиё ҳамда Африка мамлакатлари Бандунг конференциясида қатнашганлиги ҳам буни исбот этади.

Бутун прогрессив инсоният республикаснинг тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик сиёсатидан иборат бўлган ташқи сиёсатини астойдил ма'қулламоқда. Дун'ёдаги бошқа тинчликсевар халқлар каби совет халқи ҳам вьетнам халқининг миллий байрами кунида Вьетнам Демократик Республикасининг тинч қурилиш соҳасида, тинчликни мустаҳкамлаш учун, мамлакатни бирлаштиришга эришиш учун, мустақиллик ва демократия учун олиб бораётган олижаноб курашида янгидан-янги буюк муваффақиятларга эришувини тилайди.

В. НИКОЛЬСКИЙ.



Вьетнам Демократик Республикаси. Суратда: Қизил дар'ёсида бамбуқ ташиш.
В. Осипов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЮГОСЛАВИЯ ФЕДЕРАТИВ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ Ижроия Вечеси раисининг ўринбосари С. Вукманович-Темпонинг ва Югославия иқтисодий делегацияси а'золарининг Совет Иттифоқида бўлиши муносабати блан Югославиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Видич 31 августда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Югославия иқтисодий делегациясининг бошлиғи С. Вукманович-Темпо, делегация а'золари: Х. Бркич, Н. Поповнч, В. Сайчич, Э. Шаламон. В. Радоевич, М. Божич ва П. Костич, Югославия Давлат ташқи ишлар секретариатининг Мухтор Министри, — СССР блан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида битим тузиш ҳақида музокаралар олиб бормоқ учун келган Югославия Ҳукумат делегациясининг раҳбари Д. Джурич ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, Н. Г. Первухин, М. А. Суслов, СССР Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, Химия саноати министри С. М. Тихомиров, СССР Қора металлургия министри А. Г. Шереметьев, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. Ф. Попов, Ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Борисов, СССР Давлат иқтисод комиссияси раисининг биринчи ўринбосари П. В. Никитин, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари Г. П. Косяченко, Химия саноати министрининг биринчи ўринбосари Т. Б. Митрохин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин, Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумыкин, СССР Давлат иқтисод комиссияси раисининг ўринбосари Д. Д. Дектярь, Центросоюз раиси А. П. Климов, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. А. Смелов, Ташқи савдо министрлигининг коллегия а'золари Ф. П. Бистров ва М. Г. Лошаков, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи ишлар министрлиги 4-нчи Европа бўлимининг мудири вазифасини бажаручи В. Ф. Николаев, СССРнинг Югославиядаги савдо вакили Я. И. Красюк, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг мас'ул ходими М. А. Сергейчик, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Ташқи савдо министрлигининг мас'ул ходимлари, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Москвадаги дипломатик ваколатхоналарнинг Бошлиқлари, элчиҳоналар ва Миссияларнинг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими дўстона ва самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

СОВЕТ-АВСТРИЯ АХБОРОТИ

Мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисида тузилган ва 1955 йил 27 июльда кучга кирган Давлат Шартномасига ҳамда 1955 йил 15 апрельда Москвада имзоланган Совет-Австрия Меморандумига мувофиқ, Давлат Шартномасида назкур Меморандумда кўрсатилган Австриядаги Совет мулклари бошқармасининг корхоналари, совет нефть бошқармасининг нефть промислолари ва нефть корхоналари нефть маҳсулотлари блан савдо қилучи акцияли жамиятнинг нефть промислоларини ва нефть корхоналари ҳамда Дунай Кемачилик компаниясининг Шаркий Австриядаги активлари Совет Иттифоқи томонидан Австрия Республикасига топширилиши тўғрисидаги охирги Протокол 31 августда имзоланди.

Томонлар мазкур корхоналарни топшириш ишларининг муваффақият блан тугалланганлигидан мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар. Бу ишлар Давлат Шартномасида кўрсатилган муддатдан олдин бажарилди.

Протоколни Совет томонидан — СССР Ташқи Савдо Министрининг ўринбосари Я. В. Юшин, Австрия томонидан — Австрия Республикасининг Молия министри доктор Рейнхард Камитц ҳамда Транспорт ва национализация қилинган корхоналар министри дипломли инженер Карл Вальдбруннер имзоладилар.

ПАРЛАМЕНТАРО ИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

ХЕЛЬСИНКИ, 31 август. (ТАСС). Парламентаро иттифоқ кенгашининг кеча бўлган мажлисида иттифоқ ижроия комитетида а'золик муддати тўладиган Швеция, Туркия ва Ливан вакиллари ўрнига янги а'золар қабул этиш масаласи муҳокама қилинди. Узоқ давом қилган муҳокамадан кейин кенгаш Хельсни (Финляндия), Пиэзанеллини (Италия), Михайловни (СССР), Муллани (Ироқ) ва Сананаякени (Цейлон) иттифоқ ижроия комитетига сайлашни конференцияга тавсия этишга қарор қилди. Хельяс кандидатураси СССР ва Скандинавия мамлакатларининг вакиллари томонидан кўрсатилган эди.

Кенгаш мажлисининг охирида Совет Иттифоқи вакили Н. А. Михайлов баёнот блан сўзга чиқиб, кенгаш Хитой Халқ Республикаси парламент группаси раисининг шу группани парламентаро иттифоқ а'золигига қабул қилиш тўғрисида юборган хатига жавоб бермаганлигини айтди. Броқ, бу баёнот юзасидан музокара очилмади.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ, 31 август. (ТАСС). Парламентаро иттифоқ конференциясининг 30 августдаги кечки мажлисида кун тартибининг навбатдаги масаласини — парламентлар раисларининг ваколатлари масаласини муҳокама қилиш тамом бўлди. Бу масала бўйича Голландия вакили Ван Строетвеген ҳоним доклад қилди.

Конференцияга шу масала бўйича резолюция проекти тақдим қилинди.

Англия вакили Льюис сўзга чиқиб, шу резолюция проектини ма'қуллаб гапирди.

СССР делегати Ш. Р. Рашидов сўз олиб айтдики, қонун чиқаручи мажлислар раисларининг ваколатлари тўғрисидаги масала тегишли мамлакатлар парламентларининг ички компетенциясига доир масала бўлиб, бу масала ҳарқайси мамлакатнинг ўзида вужудга келган тарихий шароитга ва қонун чиқаручи мажлиснинг традицияларига мувофиқ ҳал қилинади. Шу сабабли биз, бу масала халқаро характерга эга бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаймиз ва қонун чиқаручи мажлислар раисларининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳамма мамлакатларнинг парламентлари учун бирлашган низомни бу конференцияда ишлаб чиқишнинг ҳожати йўқ.

Ш. Р. Рашидов, муҳокама қилинаётган бу масала бўйича конференцияда тавсиялар қабул қилишнинг зарурияти йўқ деган фикрни айтди.

Докладчи Ван Строетвеген Ш. Р. Рашидовнинг, ҳарқайси парламент ўз раиси тўғрисидаги Низомни ўзи белгилаши лозим, деган фикрига қўшилди.

Шу блан бу масалани муҳокама қилиш тамом бўлди.

АНТОНИН ЗАПОТОЦКИЙНИНГ СОҒЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ПРАГА, 31 август. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Чехословакия Республикасининг президенти ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг соғлиги тўғрисида 1955 йил 31 августда қуйидаги ахборот э'лон қилинди:

Республика президенти ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг юраги бирданига жуда заифлашиб кетди ва унинг қон айланиши бузилди. Даволаш натижасида унинг юрак фаолиятини яхшилашга муваффақ бўлинди. Температураси бугун эрталаб соат 6 да 36,3 градус бўлди. Қон босими ва томир уриши — нормал даражада. Бемор кечаси безовта бўлмади.

Ахборотга профессор Милош Нетоушек, профессор Вратислав Ионаш, медицина фанлари доктори профессор Марков, давлат санаториясининг директори доктор Франтишек Заводний қўл қўйдилар.

Руминия ҳукуматининг қуролли кучлар сонини 40 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисидаги қарори

БУХАРЕСТ, 30 август. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришича, Руминия Халқ Республикасининг Министрлар совети халқаро муносабатлардаги кескинликни муайян равишда юмшатишга ёрдам берган Женева кенгаши натижасида ва давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинликни янада камайтиришга ўз ҳиссасини қўшиш истаги блан Руминия Халқ Республикаси қуролли кучларининг сонини 1955 йил 1 декабрьгача 40 минг киши миқдорида камайтиришга қарор қилган. Бунинг натижасида бўшаб қолган маблағлардан уй-жой бинолари қуриш ва бошқа социал-маданий эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

Вена совет жангчилари блан хайрлашмоқда

ВЕНА, 31 август. (ТАСС). Кеча кечқурун Венада шаҳар идораси олдидаги майдонда тантанали митинг бўлди. Бу митингда Австрия пойтахтининг аҳолиси Совет Армиясининг Ватанга қайтаётган жангчилари блан хайрлашди. Майдонда ва унинг атрофидаги кўчаларда Австрия гражданларидан бирнеча минг киши тўпланди.

Австрия-Совет жамиятининг раиси профессор Гуго Глязер митингда нутқ сўзлади. «Биз, Австрия меҳнаткашлари, — деди у, — Совет Иттифоқига бизни фашистлар асоратидан озод қилганлиги учун ва совет ма'муриятн томонидан 10 йилдан бери идора қилиниб келаётган корхоналарда бизга берилган ва ҳозирги кунда биз ҳимоя қилаётган социал ҳуқуқлар учун ташаккур билдирамиз. Ўртамиздаги чегаралардан қат'ий назар дўстона мустаҳкам алоқалар давом этдирилади ва янада кўпроқ мустаҳкамланади. Вена ишчилари Совет Иттифоқи ишчиларига салом юборадилар!».

Митингдагиларнинг қарсаклари блан кутиб олинган генерал В. И. Жданов совет жангчилари номидан нутқ сўзлади.

В. И. Жданов ўз нутқининг охирида гулдурос қарсаклар остида, яшасин СССР блан Австрия ўртасидаги дўстлик, деб хитоб қилди.

Австрия-Совет жамиятининг секретари Мартин Грюнберг ўз нутқида совет халқи блан Австрия халқи ўртасидаги дўстликнинг чуқур томирлари бор ва бу дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланаверади, деб айтди.

Митингдан кейин шаҳар идораси олдидаги майдонда Совет Армиясининг ашула ва рақс ансамбли концерт берди. Вена аҳолиси ансамбль артистларига гуллар тақдим қилдилар.

Концерт тамом бўлгандан кейин Австрия-Совет жамияти вакиллари ансамбль раҳбарига ташаккурнома топширдилар.

Совет жангчилари блан тантанали хайрлашув овация блан тугади. Совет жангчилари ша'нига айтилган табрик хитоблари ва дўстона истаклар майдоннинг ҳамма томонидан эшитилиб турди.

СОВЕТ-КОРЕЯ ДЎСТЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

30 августда Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театри биносида Тошкент шаҳри ва Тошкент области жамоатчилигининг Корея Халқ-Демократик Республикаси маданият ва сан'ат арбобларининг делегацияси иштироки блан Кореянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганига 10 йил тўлиши ва Совет — Корея дўстлиги ойлигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг раиси ўртоқ Т. Д. Жўраев йиғилишни очди.

Йиғилишда «Корейс халқининг миллий байрами» тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. А. Муҳиддинов доклад қилди.

СССР халқ артисти Ҳалима Носирова Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхози раисининг ўринбосари Цой ва Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқучиси Борисова ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.

Корейс артистлари делегациясининг бошлиғи, Корея Халқ-Демократик Республикаси маданият ва пропаганда министрининг ўринбосари Тен Юр ўз жавоб нутқида уларни самимий кутиб олганликлари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига ташаккур билдирди.

Сўнгра Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Совет Ўзбекистони артистларининг қатнашуви блан катта концерт берилди.

Йиғилиш ва концертда ёшлар ва студентларнинг Варшавада бўлиб ўтган Жаҳон фестивалида қатнашган Африка ёшларининг Тошкентга меҳмон бўлиб келган делегацияси ҳам ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

КОРЕЙС АРТИСТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖУНАБ КЕТДИ

КХДР маданият ва пропаганда министрининг ўринбосари Тен Юр бошчилигидаги Корея Халқ-Демократик Республикаси маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси Тошкентда беш кун меҳмон бўлиб турди. Бу делегация СССР Маданият министрлигининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган эди.

Корейс артистлари Свердлов номли концерт залида тўрт марта концерт қўйиб бердилар. Тамошабинлар корейс артистларини қизғин кутиб олдилар. Меҳмонлар республика меҳнаткашларининг турмуши блан танишиб, Тошкентдаги саноат корхоналарига, маданий-оқартув муассасаларига ва Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозига бордилар. Меҳмонлар Тошкент шаҳар ва Тошкент области жамоатчилигининг Совет Армияси Кореяни озод қилганига 10 йил тўлиши ва совет-корейс дўстлиги ойлигига бағишланган тантанали мажлисида қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги 31 августда делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Биринчи сентябрьда КХДР маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси самоёт блан Олмаотага учиб кетди. (ЎзТАГ).

ҲАЛОЛЛИК

Севастопольдаги заводлардан бирининг ходими М. ўз отпускасида Магнитогорскга келиб, буерда кўчада сумкасини йўқотиб қўйди. Унинг сумкасида заём облигацияси ютган 23 минг сўм пули, қимматли буюмлари ва ҳужжатлари бор эди.

Магнитогорск 1-нчи ҳунар мактабининг электромонтёри А. В. Салматова бу сумкани топиб олди ва уни эгасига топширди.

СССР Министрлар совети ҳузуридаги меҳнат резервлари бош бошқармасининг бошлиғи Г. И. Зеленко А. В. Салматованинг ҳалоллик блан қилган ишини тақдирлаб, уни «Давлат меҳнат резервларининг а'лочиси» значоги блан мукофотлади ва пул мукофоти берди. (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 1955/56 йил мавсуми очилди — 2/IX да **Қутлуғ қон**, 3/IX да **Оғриқ тишлар**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача), НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 дан 4 гача), «ИСКРА» (эрталаб соат 9—40 минутдан кеч соат 8—40 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Князь қизи Мери**.

«РОДИНА» — кеч соат 7 ярим ва 10 яримда **Дайди** (иккала серия).

НАВОИЙ номли — кундуз соат 4 да илмий-оммабоп фильм **Улуғ дар'ёлар ашуласи**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**, кеч соат 8 ва 10 да **Бўйиндаги Анна**.

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Севги ёши**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Ниначи**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «УДАРНИК, «ИСКРА», КИРОВ номли — **Князь қизи Мери**.

«ХИВА» — **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
1955/56 ИЙЛ МАВСУМИ ОЧИЛАДИ
3 сентябрьда
БУРОН
СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** қатнашади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Мада ния бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 05283. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А— 1497.